

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



**КОНЧИЛИК ИШИ**

**Фойдали қазилмаларни  
бойитиш ва қайта ишлаш**

**Тошкент – 2021**

Мазкур ўқув–услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги 4 сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчи:** И.К.Умарова – ТДТУ Геология ва кончилик иши факултети “Кончилик иши” кафедраси доценти, к.ф.н.

**Тақризчи:** Минерал ресурслар институти “Нодир металлар рудаларини бойитиш” лабораторияси катта илмий ходими, т.ф.н.

Ишчи ўқув–услубий мажмуа Тошкент давлат техника университетининг 2020 йил 30- декабрдаги \_\_\_\_сонли кендаш қарори билан фойдаланишга тавсия этилди.

## **МУНДАРИЖА**

I.	Ишчи дастури.....	4
II.	Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари	10
III.	Назарий материаллар .....	12
IV.	Амалий машғулот материаллар .....	55
V.	Кейслар банки .....	74
VI.	Глоссарий .....	78
VII.	Адабиётлар ргихати .....	82

## **I.Ишчи дастур**

### **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Ишчи ўқув дастурда фойдали қазилмаларни бойитишга тайёрлаш, майдалаш жараёни, фойдали қазилмаларни бойитишга тайёрлаш, янчиш жараёни, фойдали қазилмаларни гравитация усулида бойитиш ва фойдали қазилмаларни флотация усулида бойитиш бўйича маълумотларни ўрганиш назарда тутилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнинг мақсади:** Тингловчиларга фойдали қазилма таркибидаги қимматбаҳо компонентни ажратиб олишнинг назарий асосларини ўргатиш, фойдали қазилмаларни бойитишга тайёрлаш ва ажратиб олиш жараёнларида ишлатиладиган замонавий дастгохлар билан таништириш ҳамда рудадан

минералларни комплекс ажратиб олиш ҳисобига юқори иқтисодий ва технологик кўрсаткичларга эришиш усуллари ҳақида маълумот бериш.

**Модулнинг вазифаси:** Тингловчиларга кончилик соҳасидаги билимларнинг бир бутун тизими билан ўзаро боғликлиқда фойдали қазилмаларни бойитиш усуллари, бойитишда қўлланиладиган технологик жараёнлар, бу жараёнларнинг боришига таъсир қилувчи омиллар, қўлланиладиган дастгоҳларнинг тузилиши ва ишлаш принсиби, бойитиш самарадорлигини ошириш тендетсияларини ўрганишга қаратилган.

### **Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар**

**Кутилаётган натижалар:** Тингловчилар “Фойдали қазилмаларни бойитиш ва қайта ишлаш” модулини ўзлаштириш орқали қуидаги билим, қўникма ва малакага эга бўладилар:

#### **Тингловчи:**

- майдалаш жараёнининг назарий асосларини;
- майдалаш усуллари, босқичлари, қонунларини;
- майдалаш машиналарининг турлари, узилиши, ишлаш принцибини;
- элаш самарадорлиги ва унга таъсир қилувчи омилларни;
- элакларнинг турлари, тузилиши ва ишлаш принцибини;
- янчиш жараёнининг назарий асосларини;
- тегирмонларнинг турлари, ишлаш тартиби, тузилиши, ишлаш принцибини;
- классификация жараёни, минерал зарраларни мухитда тушиш қонунларини;
- классификаторларнинг турлари, тузилиши ва ишлаш принцибини;
- флотация усулида ажратишнинг моҳиятини;
- кимёвий боғланиш турларини **бўйича билимларга эга бўилиши лозим.**

#### **Тингловчи:**

- майдалаш усулларидан фойдаланиш;
- кимёвий боғланиш турларини таҳлил қилиш;

- майдалаш машиналарининг минерал зарраларни чўқтириш усулида бойитишни таҳлил қилиш **кўникмаларига эга бўлиши лозим.**

#### **Тингловчи:**

- оғир суюқликларда бойитиш;
- контсентрацион столларда бойитиш;
- винтли ва пурковчи сепараторларда бойитиш;
- шлюзларда бойитиш **малакалариға эга бўлиши лозим.**

#### **Тингловчи:**

- турли конлар рудалари учун технологик тартиб ва бойитиш схемаларини танлай олиш;
- бойитиш жараёнларининг технологик кўрсаткичларини таққослай олиш;
- минерал ҳомашёни комплекс ишлатиш ва чиқиндисиз технологияни жорий этиш **компетенциясига эга бўлиши лозим.**

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Фойдали қазилмаларни бойитиш ва қайта ишлаш” модули “Фойдали қазилма конларини ер ости усулида қазиб олиш технологияси” ва “Фойдали қазилма конларини очиқ усулда қазиб олиш технологияси” каби фанлар билан узвий алоқада ўрганилади.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Фойдали қазилмаларни бойитиш ва қайта ишлаш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникатсия технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентатсион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар

билин ишлаш, коллоквиум ўтказиши, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Фан олий таълим муассасалари педагог ходимларининг педагогик маҳоратини ошириш ва таълим жараёнини ташкил этиш, олий таълим тизимишинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

### **Модул бирликлари бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Фойдали қазилмаларни бойитишга тайёрлаш жараёнлари	8	2	2	4
2.	Фойдали қазилмаларни бойитишга тайёрлаш. Янчиш жараёни	4	2	2	
3.	Фойдали қазилмаларни гравитация усулида бойитиш	4	2	2	
4	Рангли металлар рудаларини бойитишида янги инновацион технологияларни қўллаб бойитишнинг технологик кўрсаткичларини кўтариш истиқболлари.	4	2	2	
	<b>Жами:</b>	<b>20</b>	<b>8</b>	<b>8</b>	<b>4</b>

### **НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ**

#### **1-мавзу: Фойдали қазилмаларни бойитишга тайёрлаш. Майдалаш жараёни.**

Майдалаш жараёнининг назарий асослари. Майдалаш усуллари, босқичлари, қонунлари. Майдалаш машиналарининг турлари, узилиши, ишлаш принципи. Элаш жараёни, эловчи юзалар, элаш самарадорлиги ва унга таъсир қилувчи омиллар. Элакларнинг турлари, тузилиши ва ишлаш принципи.

## **2 - мавзу: Фойдали қазилмаларни бойитишга тайёрлаш. Янчиш жараёни.**

Янчиш жараёнининг назарий асослари. Тегирмонларнинг турлари, ишлаш тартиби, тузилиши, ишлаш принципи. Классификация жараёни, минерал зарраларни муҳитда тушиш қонунлари. К лассификаторларнинг турлари, тузилиши ва ишлаш принципи.

### **3- мавзу: Фойдали қазилмаларни гравитатсия усулида бойитиш.**

Минерал зарраларни чўқтириш усулида бойитиш . Оғир суюқликларда бойитиш. Контцентрацион столларда бойитиш. Винтли ва пурковчи сепараторларда бойитиш. Шлюзларда бойитиш.

### **4- мавзу: Фойдали қазилмаларни флотация усулида бойитиш.**

Флотация усулида ажратишнинг моҳияти. Молекуляро таъсирланиш кучи. Эркин сирт энергияси. Флотация жараёнининг механизми. Кимёвий боғланиш турлари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Майдалаш схемасини танлаш, асослаш ва ҳисоблаш.**

Майдалаш операциялари. Майдалаш босқичлари. Майдалаш схемаларидаги дастлабки элаш операциялари. Майдалангандан маҳсулотнинг иириклик характеристикаси. Майдалаш схемалардаги текширувчи элаш операциялари. Майдалаш схемасини ҳисоблаш.

### **2-амалий машғулот: Янчиш схемасини танлаш, асослаш ва ҳисоблаш**

Янчиш операциялари. Янчиш босқичлари. Янчиш схемаларининг кўринишлари. Янчиш схемаларидаги дастлабки классификация операциялари. Янчиш схемалардаги текширувчи классификация операциялари. Янчиш схемасини ҳисоблаш.

### **3-амалий машғулот: Гравитация схемани танлаш, асослаш ва ҳисоблаш.**

Гравитация схемаларининг кўринишлари. Олтинли, кумушли, волфрамли, калайли рудаларни гравитация усулида бойитиш схемалари, уларни танлаш ва ҳисоблаш.

### **4-амалий машғулот: Флотация схемани танлаш, асослаш ва ҳисоблаш.**

Флотациянинг принципиал схемасини танлаш. Монометал рудаларни флотациялашнинг схемасини танлаш. Полиметал рудаларни флатациялашнинг схемасини танлаш. Флотациялашнинг миқдор схемасини ҳисоблаш. Флотомашиналарнинг керакли сонини ҳисоблаш.

### **Кўчма машғулот мазмуни.**

#### **Мавзу: Фойдали қазилмаларни бойитишга тайёрлаш жараёни**

Кўчма машғулотда тингловчиларни “Олмалиқ КМК”АЖ олиб бориш режалаштирилган.

### **ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ**

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўкув материали мазмуни устида ишлаётгандага ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутади.

Модулни ўқитиш жараёнида қуидаги таълимнинг ташкил этиш шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза;
- амалий машғулот.

Ўкув ишини ташкил этиш усулига кўра:

- жамоавий;
- гурухли (кичик гурухларда, жуфтликда);
- якка тартибда.

**Жамоавий ишлаш** – Бунда ўқитувчи гурухларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўкув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

**Гурухларда ишлаш** – бу ўкув топширигини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўкув жараёнида кичик гурухларда ишлашда (3 тадан – 7 тагача иштирокчи) фаол рол ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Ўқитиш методига кўра гурухни кичик гурухларга, жуфтликларга ва гурухларора шаклга бўлиш мумкин.

*Бир турдаги гуруҳли иш ўкув гурухлари учун бир турдаги топширик бажаришни назарда тутади. Табакалашган гуруҳли иш гурухларда турли топширикларни бажаришни назарда тутади.*

**Якка тартибдаги шаклда** - ҳар бир таълим олувчига алоҳида-алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

## II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



**Методнинг қўлланилиши:** Флотация усулида SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	
W	
O	
T	

### «Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг

мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган иисмларни туширилган тарзиётма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма бэён килади.



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумийлаштирилди зарурий зуборотлар билан тўлдирилди ва мавзу

### Методнинг қўлланилиши:

Гравитация усулининг		Флатация усулининг	
Афзалиги	Камчилиги	Афзалиги	Камчилиги
<b>Хулоса:</b>			

## **НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Фойдали қазилмаларни бойитишига тайёрлаш жараёнлари**

#### **Режа:**

- 1.Майдалаш жараёнининг назарий асослари ва дастгоҳлари
2. Руда тайёрлашда қўлланиладиган дастгоҳлар

**Таянч сўзлар:** Майдалаш, майдалаш даражаси, майдалаш босқичлари, қаттиқлик, зичлик, абразивлик, элак, элаш самарадорлиги, йириклиқ, зарра, қоплама, тегирмон, поғонали иш тартиби, аралаш тартиб, заррачалар ўлчами, Аерофол, Каскад, спирал, синфлаш, шарлар, стерженлар, қоплама, ишқаланиш, зарба.

#### **1.1 Майдалаш жараёнининг назарий асослари ва дастгоҳлари.**

Бойитиш фабрикасига руда ҳар хил ўлчамдаги бўлаклар ҳолида келиб тушади. Руданинг йириклиқ характеристикаси ёки унинг гранулометрик таркиби конни қазиб олиш усулига, руданинг қаттиқлигига, коннинг саноат кувватига ва ҳ.к. ларга боғлиқ.

Рудани бойитишидан олдин фойдали қазилма минераллари ва пуч тоғ жинслари уларни эркин ва бир-биридан ажралган ҳолда кўрсатила олиши мумкин бўлган йирикликка (ўлчамга) келтирилиши керак. Рудани бойитишидан олдин тайёрлаш учун майдалаш ва янчиш жараёнлари қўлланилади.

Физикавий моҳияти жиҳатидан бир хил жараёнлар ҳисобланувчи майдалаш ва янчиш бир-биридан бу оператсияларга тушувчи ва улардан чиқувчи маҳсулотларнинг ўлчамига қараб шартли равишда фарқ қиласди.

Майдалаш жараёнига маҳсулот 1500 мм гача ўлчамда тушиб, майдаланган маҳсулот 10-15 мм ўлчамда бўлади. Руда ўлчамини 0,074 мм гача кичрайтириш янчиш жараёнида содир бўлади.

Рудани бойитишидан олдинги энг сўнгти ўлчами қўлланиладиган бойитиш усулига боғлиқ.

Бу улчам ҳар қайси фойдали қазилма учун уни бойитилишга текшириш жараёнида тажриба йўли билан аниқланади.

Фойдали минерал заррача юзаси қанча тўлиқ очилса, бойитиш шунча самаралироқ бўлади. Шу билан бир вақтда ўта янчилишга йўл қўймаслик керак, чунки бунда фойдали компонент жуда майин шламлар ҳолига ўтиб, бойитиш жараёнида бойитмага ажралмайди ва чиқиндилар таркибида йўқолади.

Ундан ташқари, ўта янчилиш электр энергиясининг ортиқча сарфланишига, майдалагич ва тегирмонларнинг тез ишдан чиқишига, уларнинг ишлаб чиқариш унумдорлигининг пасайишига ва бойитиш кўрсаткичларининг ёмонлашувига олиб келади.

Майдалаш ва янчиш жараёнлари жуда қиммат турадиган жараёнлар ҳисобланади. Уларга рудани бойитиш учун кетадиган харажатларнинг 60 % дан ортиғи сарфланади. Шунинг учун майдалашда “хеч нарса ортиқча

майдаланмасин" деган принципга амал қилинади. Шу мақсадда майдалаш босқичли тарзда амалга оширилади.

Майдалаш ва янчиш жараёнлари кўмирни чанг ҳолида ёқувчи стантсияларда, тсемент заводларида, қумини кокслаш учун тайёрлашда кокс кимёвий заводларда, оҳак, доломит ва бошқа маҳсулотларни майдалашда металлургик заводларда, йўл қурилиш саноатида, қум-шағал тайёрлашда ва х.к. ларда ҳам ишлатилади. Бу ҳолларда майдалаш ва янчиш маҳсулотларининг йириклиги кейинги технологиянинг талаблари асосида ўрнатилади. Тоғ жинслари ўзининг қаттиқлигига қараб 4 та гурухга бўлинади: юмшоқ, ўртача, қаттиқ ва ўта қаттиқ. Юмшоқ рудаларга Продотяконов М.М. шкаласига кўра 5 дан 10 гача қаттиқлик коэффицентига эга тоғ жинслари; ўртача қаттиқликка эга тоғ жинсларга 10 дан 15 гача коэффициентга, қаттиқ тоғ жинсларига - 15 дан 17 гача коэффициентга эга ва ўта қаттиқ жинсларга 18 дан 20 гача қаттиқлик коэффициентига эга жинслар киради.

Фойдали қазилмаларнинг қаттиқлиги, шунингдек, Мооснинг қаттиқлик шкаласи бўйича (тирнаш усули) ҳам аниқланиши мумкин. Унга кўра, қаттиқ тоғ жинсларига (масалан, квартс, корунд ва х.к) Моос бўйича қаттиқлиги 6-10; ўртача (кўмир, оҳак) 2-5; Юмшоқ (талк, гипс) 1-2 Моос бўйича қаттиқликка эга рудалар киради.

Майдалаш деб руда бўлаклари ўлчамини ташки куч таъсирида кичрайтиришга айтилади. Майдалаш жараёни майдалаш даражаси билан характерланади. Майдалаш даражаси деб, майдалаш натижасида руда бўлакларининг ўлчами неча марта кичрайишни кўрсатувчи катталикка айтилади<sup>1</sup>.

$$I = D/d$$

бу ерда: D - дастлабки руда таркибидаги энг катта бўлакнинг ўлчами, мм;  
d- майдаланган маҳсулот таркибидаги энг катта бўлакнинг ўлчами, мм.

Бойитиш фабрикаларида маъданларни майдалаш одатда бир неча босқичда амалга оширилади, чунки битта майдалагичда керакли майдалаш даражасига эришиш мумкин эмас. Шунинг учун майдалаш бир неча босқичда амалга оширилади. Масалан, рангли ва қора металлар рудаларининг кўпчилиги учун 3 босқичда майдалаш ишлатилади.

1- босқич. Йирик майдалаш - 1500 - 1000 мм дан 300 мм гача.

2 - босқич. Ўртача майдалаш - 300 мм дан 75 мм гача.

3 - босқич. Майда майдалаш - 75 мм дан 10-15 мм гача.

Умумий майдалаш даражаси алоҳида босқичларда олинган майдалаш даражаларининг кўпайтмасига teng:

$$i_{ум} = i_{йир} \cdot i_{ўрта} \cdot i_{майда}$$

Масалан,

$$i_{йир} = 1500/300 = 5;$$

$$i_{ўрта} = 300/75 = 4;$$

$$i_{майда} = 75/15 = 5$$

<sup>1</sup> Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of metallurgy. 2007, Wroclaw University of Technology 143 p.


умумий майдалаш даражаси;  $i_{ym} = 5 \cdot 4 \cdot 5 = 100$

Ҳар қайси майдалаш босқичидан олдин дастлабки маъданнинг таркибидан элаш орқали ўлчами шу босқичдаги майдаланган маҳсулот ўлчамига тенг майда синф ажратиб олинади. Майда маҳсулотни ажратиб олиш ҳисобига майдалагичга бериладиган юк қисқаради, унинг ишлаб чиқариш унумдорлиги ортади, электр энергия сарфи камаяди, шунингдек, руданинг ўта янчилишининг олди олинади.

Юмшоқ маъданлар икки босқичда, ўртача қаттиқликдаги маъданлар 3 босқичда, қаттиқ маъданлар эса 4 босқичда майдаланади. Маъдан қанча қаттиқ ва мустаҳкам бўлса, ички тортилиш кучларини енгиш учун шунча кўп куч талаб қилинади.

Майдалашда минерал заррача юзасининг очилиши маъдан бўлакларининг ташқи куч таъсирида парчаланиши натижасида содир бўлади. Маъдан бўлакларини парчалаш учун алоҳида кристаллар орасидаги ва кристаллар ичидаги тортишиш кучини енгиш керак. Бу маъданнинг мустаҳкамлигини белгилайди. Бундан ташқари руданинг мустаҳкамлиги унинг тузилишидаги ички нуқсонлар (дарз, бегона нарсалар) га ҳам боғлиқ.

Маъданнинг хоссаси (мустаҳкамлик, мўртлик, қовушқоқлик ва бошқалар) га қараб парчаланишнинг қуйидаги усуллари ишлатилиши мумкин. Эзилиш -иккита майдаловчи юза орасида маъдан бўлакларининг сиқилиши натижасида парчаланиш. Ёрилиш –маъдан бўлакларини майдаловчи жисмнинг учлари (тиғлари) орасида узилиб бўлиниши. Зарба – маъдан бўлакларини қисқа таъсир этувчи динамик юк таосирида парчаланиши. Ишқаланиш –маъдан бўлакларини бир-бирига, қарама-қарши ҳаракатланувчи майдаловчи юза орасида парчаланиши<sup>2</sup>.



### Жисмни керакли ўлчамгacha майдалаш

- а) эзилиш, б) узилиш, г) кесиш, э) ишқаланиш, ж) сиқиқ зарба,  
з) эркин зарба

Майдалаш жараёни кўпгина омилларга боғлиқ. Уларга қуйидагилар киради: маъданнинг мустаҳкамлиги, маҳсулотнинг қовушқоқлиги, шакли,

<sup>2</sup> Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of mineralogy. 2007, Wroclaw University of Technology 125 p.

ўлчами, намлиги, майдаланувчи бўлакларнинг ўзаро жойлашуви, уларнинг зичлиги ва ҳ.к. Барча тоғ жинсларини уларнинг қаттиқлигига қараб, 4 та категорияга бўлиш мумкин:

- 1) юмшоқ маъданлар, уларнинг майдаланишга кўрсатадиган қаршилик кучи  $< 100 \text{ кг}/\text{см}^2$ .
- 2) ўртача қаттиқликка эга маъданлар  $100-500 \text{ кг}/\text{см}^2$
- 3) қаттиқ маъданлар  $500-1000 \text{ кг}/\text{см}^2$
- 4) ўта қаттиқ маъданлар, уларнинг майдаланишга қаршилик кучи  $> 1000 \text{ кг}/\text{см}^2$ .

Майдалаш вактида маъдан бўлаклари кучсиз кесимлар бўйлаб майдаланади. Бўлакларнинг катталиги камайган сари (кичрайган) бўлакларнинг мустаҳкамлиги ортиб боради.

Майдалашга сарфланадиган иш қисман майдаланаётган бўлакларнинг деформатсиясига сарфланади ва атрофга иссиқлик тарзида тарқалади; қисман эса қаттиқ жисмнинг эркин (юза) энергиясига айланиб, янги юзаларнинг ҳосил бўлишига сарфланади:

$$A = A_D + A_{\text{ю}} = k \Delta B + \delta \Delta C \quad (\text{Ребиндер формуласи})$$

бу эрда:

$A$  - майдалаш иши,

$A_D$  - деформатсия иши,

$A_{\text{ю}}$  - янги юзаларнинг ҳосил бўлиш иши,

$\Delta B$  - деформатсияланган хажм

$\Delta C$  - янгидан ҳосил бўлган юзаларнинг катталиги

$k$  ва  $\delta$  - пропорционаллик коэффиценти.

Майдаланаётганда, майдалаш даражаси кичик бўлганда янги юзаларнинг ҳосил бўлиш иши деформация ишига нисбатан жуда кичик бўлгани учун уни ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Бу ҳолда Ребиндер тенгламасидан Кирпичевнинг хусусий майдалаш қонуни ҳосил бўлади - майдалаш иши майдаланаётган жисмнинг ҳажмига ёки оғирлигига тўғри пропорционал бўлади.

$$A = k \Delta B = kd^3 \quad (\text{Кирпичев формуласи})$$

Майдаланаётганда, майдалаш даражаси юқори бўлганда деформатсия иши янги юзаларнинг ҳосил бўлиш ишига нисбатан жуда кам бўлгани учун уни ҳисобга олмаса ҳам бўлади. Бу ҳолда Ребиндер тенгламасидан Риттенгернинг хусусий майдалаш қонуни ҳосил бўлади - майдалаш иши янгидан ҳосил бўлаётган юзалар катталигига тўғри пропорционал:

$$A = k \Delta C = kd^2 \quad (\text{Риттенгер формуласи})$$

Кўпинча майдалаш ўртача майдалаш даражасида олиб борилади, шунинг учун майдалаш ишини аниқлашда Ребиндер тенгламасида деформация ишини ҳам, янги юзаларнинг ҳосил бўлиши ишини ҳам ҳисобга олиш керак, яъни майдалаш иши ҳам ҳажмга, ҳам майдаланувчи жисмнинг юзига тўғри пропорционал.

Риттенгер, Кирпичев - Кик қонунлари асосида С/Е - э/В координаталарида тузилган эгри чизиқларни таққослаш шуни кўрсатадики, Риттенгер қонуни заррачаларнинг ўлчамидан қатъий назар энергиянинг солиштирма сарфи юқори бўлганда, Кирпичев - Кик қонунини эса энергиянинг солиштирма сарфи кам бўлганда қўллаш мумкин.

Бойитиш фабрикалари, очиқ кон ва шахталарда маъданни ва бошқа маҳсулотларни йирик майдалашда юқорида осилган ва содда ҳаракатланувчи қўзгалувчи юзали майдалагичлар кенг қўлланилади. Бу юқори қувватли майдалагичлар содда тузилишга ва унча катта бўлмаган баландликка эга бўлиб, улар ишлашда ишончли ҳисобланади (7-расм).


Юқорида осилган ва содда ҳаракатланувчи жағли майдалагичнинг корпуси (кутиси) олд 1, орқа 8 ва иккита ёнбош 16 деворлардан иборат. Олдинги девор қўзгалмас юз ролини ўйнайди. Қўзғалувчи юз иккита подшипникка таянган ўқ га осилган.

Майдалагич ички сатҳини ҳосил қилувчи корпуснинг олди ва ёнбош деворларининг ички юзаси марганетсли пўлат ёки тобланган чўяндан ясалган алмашинувчи плиталар 2 билан қопланган.

Подшипникларга маҳкамланган экстсентрик вал 6 га вертикал йўналишда қайтарма-илгарилама ҳаракат қилувчи шатун 7 нинг боши ўрнатилган.

Шатун юқорига ҳаракатланганда плиталар орасидаги бурчак катталашади ва қўзғалувчи юза қўзғалмас юзага яқинлашади. Бунда маҳсулот эзилиш, қисман эса силжиш ва букилиш ҳисобига майдаланади. Деформациянинг силжиш ва букилиш каби турлари қопловчи плиталар юзасининг қирралиги билан тушунтирилади.

Майдалагич ички сатҳини ҳосил қилувчи корпуснинг олди ва ёнбош деворларининг ички юзаси марганетсли пўлат ёки тобланган чўяндан ясалган алмашинувчи плита (2) лар билан қопланган. Подшипникларга маҳкамланган экстсентрик вал (6) га вертикал йўналишда қайтарма-илгарилама ҳаракат қилувчи шатун (7) нинг боши ўрнатилган. Шатуннинг тешикларида вкладиш (14) лар бўлиб улар тиргакли плиталарнинг учлари (12) ва (15) га, плиталарнинг иккинчи учлари эса (17) вкладишга ўрнатилган.



Жағли майдалагич

Майдалагич корпусининг ён деворлари силлиқ плиталар билан қопланади. Шатун пастга ҳаракатланганда қўзғалувчи юза оғирлик кучи ва тяга орқали буферли пружина (10) таъсирида қўзғалмас юздан узоқлашади. Бунда майдалангандан маҳсулот тўкилади.

Бўшатиш туйнугининг кенглигини ўзгартириш бошқарувчи поналар ёрдамида ёки тиргакли плиталарни алмаштириш орқали амалга оширилади. Вал (6) га иккита маҳовик (филдирак) (5) ўрнатилган. Маҳовикларнинг бири шкив ролини бажаради. Элаш - фойдали қазилманинг йириклигига қараб, бир ёки бир неча элак орқали элаб, синфларга ажратиш жараёнидир.

Элашга тушаётган маҳсулот-дастлабки, элак устида қолган маҳсулот - елак усти, элакдан ўтган маҳсулот эса -елак ости маҳсулоти дейилади.

Элашда қабул қилинган элак кўзлари ўлчамининг каттадан кичикка томон кетма-кет қатори элаш шкаласи, иккита кетма-кет келган элак кўзлари ўлчамининг бир-бирига нисбатишкала модули дейилади. Масалан: 48, 24, 12, 6, 3 мм лишкала учун модул 2 га тенг; Маҳсулотни н та элашдан сўнг н+1 та маҳсулот олинади.

Маҳсулот йириклиги қуидагица белгиланади: -1 +1 ёки 1-1. Масалан: -50+12 мм; 12-50мм.

Элашнинг қуидаги турлари қўлланилади: ёрдамчи, тайёрловчи, мустақил, ҳамда бойитиш маҳсулотларидан сувни ажратиш мақсадида ишлатиладиган элаш оператсияси.

1. Ёрдамчи элаш майдалаш ва янчиш схемаларида ишлатилиб, дастлабки маҳсулот таркибидаги тайёр (майдаланиши керак бўлмаган) маҳсулотни ажратиш ёки майдалангандан маҳсулот йириклигини назорат қилиш учун ишлатилади. Бундай элашнинг биринчи тури - дастлабки, иккинчиси эса назоратловчи элаш дейилади.

2. Тайёрловчи элаш дастлабки маҳсулотни алоҳида-алоҳида бойитиш мақсадида синфларга ажратиш учун ишлатилади.

3. Мустақил элаш - элаш маҳсулотлари истеъмолчига юбориладиган тайёр маҳсулот ҳисобланса мустақил элаш дейилади. Элашнинг бу тури кўпинча кўмирни элашда ишлатилади.

Сувсизлантириш мақсадида ишлатиладиган элаш бойитиш маҳсулотларидан сувни бирламчи ажратишда кенг ишлатилмоқда.

Елаш самарадорлиги ҳар хил катталиктаги дастлабки заррачалар аралашмасини эловчи юзада қай даражада ажралишини характерловчи катталиқдир. Умумий ҳолда, элаш самарадорлиги маълум синфнинг элак ости маҳсулотидаги миқдорини шу синфнинг дастлабки маҳсулотдаги миқдорига нисбатини кўрсатади.


$$E = Q_{\text{э.о}} / Q_{\text{д.м.}} \cdot 100 ,\%$$

Елак ости маҳсулоти деб, дастлабки маҳсулотдаги эловчи юза тешикларидан кичик ўлчамли маҳсулотга айтилади. Агар дастлабки маҳсулотдаги элак ости маҳсулотининг умумий миқдори ( $Q_{\text{э.о}}$ ) шу маҳсулот учун гранулометрик таркиб эгри чизифидан) ва унинг оғирлиги ( $K_D$ ) маълум бўлса, элаш самарадорлиги қуидаги формуладан аниқланади:

$$E = 10^4 Q_{\text{о.о.}} / Q_{\text{д}} \alpha$$

бу ерда б – дастлабки маҳсулотдаги майдадининг микдори.

Реал шароитда узлуксиз ишлайдиган бойитиш фабрикаларидағи элак ости маҳсулотининг оғирлигини (массасини) аниқлаш қийин, шунинг учун элаш самарадорлиги элак усти маҳсулоти таркибидаги элак ости маҳсулотининг микдори, яъни элак ости маҳсулотининг дастлабки ва элак усти маҳсулоти Қ нинг микдори билан ҳисобланади.



### Зарраларни элак юзида ҳаракатланиш тартиби

Шундай қилиб, элашга тушаётган маҳсулот таркибидаги ости (қуий) синф микдорини билган ҳолда, шу синфнинг элак усти маҳсулотидаги микдорини аниқлаб, элаш самарадорлигини ҳисоблаб топиш мумкин<sup>3</sup>.

Елаш самарадорлиги элак ишининг механик, технологик параметрларига ва эланаётган маҳсулот хоссасига, элакнинг иш тартибига, элаш вақтига, эловчи юзанинг қўриниши ва ҳолатига, элакнинг ишлаб чиқариш қувватига, маҳсулотнинг намлигига ва ҳ.к. ларга боғлиқ.

Елаклар геометрик шакли, эловчи юзанинг хусусияти, унинг горизонтал текисликка нисбатан жойлашиши билан бир-биридан фарқ қиласди. Еловчи юзанинг шаклига қараб яси, тсилиндрик (барабанли) ёки ёйсимон шаклдаги элаклар мавжуд. Эловчи юзанинг жойлашишига қараб горизонтал ва қия, баъзи ҳолларда вертикал элакларга бўлинади.

Маҳсулотнинг эловчи юза бўйлаб ҳаракатланиши хусусиятига қараб қўзғалмас (баъзи ҳолларда эловчи юза баъзи элементларининг ҳаракатланиши), айланма ҳаракатли қўзғалувчи ва тўғри чизиқли ҳаракатланувчи қўзғалувчи элакларга бўлинади.

Фойдали қазилмаларни элашда ишлатиладиган элаклар қуийдаги гурухларга бўлинади: қўзғалмас панжаралар, валокли айланувчи барабанли,

---

<sup>3</sup> Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of metallurgy. 2007, Wroclaw University of Technology 150 p.

ясси тебранувчи; ярим вибраторион; вибраторион айланма вибраторияли; вибраторион түғри чизиқли вибраторияли; ёйсимон ва ҳ.к.

Ҳамма элаклар енгил, ўрта ва оғир турдаги элакларга бўлинади.

Қўзғалмас панжарали элаклар алоҳида ораси очик панжаралардан ташкил топиб, горизонтга нисбатан  $40-45^{\circ}$  бурчак остида рудани элаш учун,  $30-35^{\circ}$  бурчак остида қўмирни элаш учун ўрнатилади. Махсулот панжаранинг юқори қисмига берилиб ўз оқими билан харакатланади, бунда майда маҳсулот панжара орасидан ўтиб, йирик маҳсулот эса панжара устидан ажратилади. Бундай элаклар йирик маҳсулотни элаш учун ишлатилади. Иккита панжара орасидаги масофа 50 мм ва ундан ортиқ бўлиши керак.

Элакнинг кенглиги дастлабки маҳсулотдаги энг катта бўлак ўлчамидан камида 2-3 марта катта, узунлиги эса кенглигидан 2 марта катта бўлиши керак. Эловчи панжараларнинг панжаралари турли хил қўринишга (профил) эга бўлиши мумкин: трапециадал, думалоқ, квадрат, "T" харфи (тавровий) қўринишида ва ҳ.к. Панжара сифатида оддий темир йўл релслари ҳам ишлатилиши мумкин. Панжаралар бир-биридан маълум масофада параллел ҳолда жойлаштирилади ва бир-бири билан болтлар орқали маҳкамланади.


Еловчи панжараларда элаш самарадорлиги 60-70% ни ташкил қиласди. Эловчи панжараларнинг ишлаб чиқариш қуввати элакнинг ўлчамига, маҳсулотнинг хоссасига ва панжаралар орасидаги масофага боғлиқ.

Эловчи панжаранинг ишлаб чиқариш қуввати қуидаги эмпирик формула билан ҳисобланади:

$$K = 2,4 \text{ Fa}$$

бу ерда:  $\Phi$  - панжаранинг юзаси,  $\text{m}^2$

$a$  - панжаралар орасидаги масофа, мм.



Қўзғалмас панжарали элаклар.

1-панжара; 2-сиқувчи болтлар; 3-тиргак трубкалар.

Бойитиш фабрикаларида эловчи панжаралар асосан йирик ва ўрта майдалаш майдалагичларидан олдин ўрнатилади. Эловчи панжараларнинг афзаллиги: содда тузилишга эгалиги ва хизмат қўрсатишнинг қулайлиги; электроенергия сарфланмаслиги, корхонада уни хилма-хил материаллардан (ески релс, балка) тайёрлаш мумкинлиги, уларга маҳсулотни автомашина, темир йўл вагонлари ва ҳ.к. дан бевосита тушириб олиш мумкинлиги.

Минерал заррачаларнинг сувда ва ҳавода тушиш тезлигига қараб синфларга ажратишга классификация дейилади. Классификация сувда олиб борилса гидравлик классификация, ҳавода олиб борилса пневматик классификация дейилади.

Гидравлик классификациядан мақсад худди элаш каби маълум йириклика эга заррачалар синфини ажратиш. Бироқ элашдан тубдан фарқ қилиб, классификация жараёнида синфлар йириклигига қараб эмас, балки “тeng тушувчи” синфларга ажратилади. Гидравлик классификация натижасида олинаётган ҳар қайси синф бир вақтнинг ўзида сувда бир хил тушиш тезлигига эга енгил минералларнинг йирик заррачаларини ва оғир минералларнинг майда заррачаларини сақлаши мумкин.

Гидравлик классификация мустақил, тайёрловчи ва ёрдамчи жараён бўлиши мумкин. Мустақил жараён сифатида гидравлик классификация марганетсли, волфрамли ва ҳ.к. рудаларни дезинтегратсиялангандан кейин донали маҳсулотдан лой ва балчиқларни ювиш учун ишлатилади.

Тайёрлаш классификацияси маҳсулотларни алоҳида-алоҳида синфларга ажратиб, алоҳида бойитиш учун (масалан, гравитацион усулда) қўлланилади.

Классификация ёрдамчи жараён сифатида янчиш схемаларида ҳали янчилиб улгурилмаган маҳсулотни ажратиб олиш учун қўлланилади. Гидравлик классификацияга келиб тушувчи маҳсулотнинг йириклиги 3-4 мм дан ошмаслиги керак.

Бўшлиқдан фарқ қилиб, исталган муҳит (сув, ҳаво ва ҳ.к.) ўзида тушаётган жисмга қаршилик кўрсатади. Заррачанинг муҳитда тушиш тезлиги унинг ўлчамига, шаклига, зичлигига ва муҳитнинг зичлигига боғлиқ. Юқори зичликка эга йирик заррачалар зичлиги кичик майда заррачаларга нисбатан тезроқ тушади. Бироқ катта зичликка эга йирик заррачанинг шакли яssi бўлса, заррачанинг тушиш тезлиги камаяди, чунки бунда муҳитнинг қаршилиги ортади.

Муҳит қаршилиги 2 турга бўлинади: динамик қаршилик ва қовушқоқлик. Гидравлик классификацияда тушиш тезлигига иккала қаршилик ҳам таъсир қиласи, лекин уларнинг таъсир даражаси турли хил заррачалар учун бир хил эмас.

Йирик заррачалар катта тезлик билан тушаётганда сувнинг турбулент оқимига хос динамик қаршилик устунлик қиласи. Бу ҳолда заррачанинг паст босимли зонаси ҳосил бўлади ва уюрма оқим ҳосил бўлишига олиб келади.

Дастлабки вақтда минерал заррачалар гравитацион куч таъсирида муҳитда тезланиш билан тушади. Тезлик ортиб бориши билан муҳитнинг қаршилиги ортади ва жуда қисқа вақт ичида ҳаракатдаги гравитацион кучга тенглашади. Шу пайтдан бошлаб, заррача доимий тезлик билан ҳаракатланади ва бу тезлик берилган заррачанинг охирги тушиш тезлиги дейилади.

Назарий жиҳатдан амалдаги шароитда заррачанинг охирги тушиш тезлигини аниқлаш қийин, чунки тушишда жуда кўп сонли заррачалар иштирок этиб, уларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини ҳисоблаш мумкин эмас.

Амалда заррачанинг охирги тушиш тезлигига эришиш вақти жуда кам (масалан, 1мм диаметрга эга шар шаклидаги заррачанинг тушиш вақти 0,01-0,2 сек) бўлгани учун гидравлик классификацияда минерал заррачанинг синфларга ажралиши уларнинг охирги тушиш тезлигидаги фарқقا қараб амалга оширилади.

Гидравлик классификация амалга ошириладиган реал шароит учун заррачаларнинг охирга тушиш тезлигини назарий жиҳатдан аниқлаш қийин, чунки жараёнда жуда кўп сонли заррачалар иштирок этади, ва уларнинг бир-бираига ўзаро таъсирини (ишқаланиш, урилиш ва ҳ.к) аниқлаш мумкин эмас<sup>4</sup>.

Шунинг учун заррачаларнинг охирги тушиши тезлиги «еркин» тушиш шароитида, яъни бошқа заррачаларнинг иштирокисиз ва идиш деворидан етарли даражадаги масофада узоқлашган шар шаклидаги заррачалар учун аниқланган.

Гидравлик классификация натижасида олинадиган синфлар тенг тушувчи, яъни ҳар хил зичликка ва ўлчамга эга, лекин бир хил тезликда тушувчи заррачалардан иборат. Бир хил тезликда тушувчи ҳар хил заррачалар диаметрларининг нисбати тенг тушиш коэффиценти дейилади.

Тенг тушиш коэффиценти бир хил тушиш тезлигига эга енгил минералларнинг заррааси оғир минерал зарраасидан неча марта катталигини кўрсатади.

Юқорида кўриб ўтилган алоҳида олинган минерал заррачанинг эркин тушиш шароитидаги қонуниятлари минерал заррачанинг ҳаракатланиши чегараланган бўшлиқда содир бўлувчи гидравлик классификацияни тўлиқ ҳарактерлаб бера олмайди. Бундай ҳаракатланишда ҳар қайси заррача бошқа ҳаракатдаги заррачаларнинг таъсирига учрайди. Ундан ташқари, муҳитнинг ўзига ҳар қайси заррача ва ҳамма заррачаларнинг массаси умумий ҳолда динамик таъсир этади.

Заррачаларнинг бундай шароитда тушиши сиқилиб тушиш дейилади. Заррачаларнинг сиқилиб тушиш тезлиги ҳамма вақт эркин тушиш тезлигидан кичик ва у муҳитнинг қовушқоқлигига боғлиқ бўлиб, қаттиқ заррачаларнинг микдори ортиши билан ортади.

Заррачаларнинг сиқилиб тушишида содир бўладиган ҳодисаларнинг мураккаблиги туфайли унинг тезлигини эмпирик формулалардан аниқланади.


Бойитиш фабрикаларида ишлатиладиган гидравлик классификаторларни шартли равища 2 гурухга бўлиш мумкин:

1. Ажралиш гравитацион ва муҳитнинг қаршилик кучи асосида амалга ошадиган классификаторлар (камерали, конусли, спиралли, пирамида шаклидаги классификаторлар).

2. Юқоридаги кучлардан ташқари марказдан қочувчи куч таъсир қиласидиган классификаторлар.

---

<sup>4</sup> Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of metallurgy. 2007, Wroclaw University of Technology 173-174 p.



### Гидравлик классификаторнинг ишлаш принципи<sup>5</sup>

Бу классификаторлар маҳсулотни гравитацион усулда бойитищдан олдин тайёрлаш классификацияси учун ишлатилади. Классификаторлар 2, 4, 6, ёки 8 та камерадан иборат бўлиб, камералар сони маркадан кейин кўрсатилади (КГ-2, КГ-4, КГ-6, КГ-8). Камераларнинг кенглиги маҳсулот берилиши томонидан маҳсулот қўйилиши томонга ортиб боради. Камерали гидравлик классификатор ўлчамлари кетма-кет катталашиб борувчи ва юқори қисмида битта бўтана оқими бўйлаб кенгайиб борувчи умумий тарновчага эга бир қатор пирамида шаклидаги камералардан иборат.

Дастлабки бўтана тарновчанинг тор қисмига берилиб, у классификатор камераларини тўлдиради ва тарновчанинг кенг қисмидан оқиб тушади. Минерал заррачалар ўзларининг сувда тушиш тезликларига қараб, маълум йириклиқдаги синфларни ҳосил қилиб ҳар хил камераларда чўкади. Энг майда фрактсия қуюлма билан чиқиб кетади.


Спиралли классификаторлар бир ва икки спиралли қилиб тайёрланади. Улар горизонтга 12-18<sup>0</sup> бурчак остида ўрнатилади. Спираллар бир, икки ва уч заходли бўлиб, унинг қадами спирал даметрининг 0,5 - 0,6 сига teng<sup>6</sup>.

Спиралли классификаторлар ботган спиралли ва ботмаган спиралли классификаторларга бўлинади.

Ботмаган спиралли классификаторларда қуолиш остонаси валдан юқорида, юқори қисми эса бўтананинг устида жойлашади.

<sup>5</sup> Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of mineralogy. 2007, Wroclaw University of Technology 169 p.

<sup>6</sup> Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of mineralogy. 2007, Wroclaw University of Technology 174 p.



Спиралли классификатор

Ботган спиралли классификаторларда эса қуюлиш остонаси бўтанага тўлиқ ботган бўлади ва бу билан чўкишнинг катта зонасига эришилади ва маҳсулотнинг класификатсияси тинчроқ мухитда ўтади. Шунинг учун ботган спиралли класификаторлар ўлчами  $<0,15$  мм дан кичик майин, туюлган маҳсулотни ажратиш учун қўлланилади. Бу класификаторларнинг қуюлма бўйича и/ч унумдорлиги ботмаган спиралли класификаторларга нисбатан 1,5 баробар катта.

Спиралли класификаторларнинг диаметри 0,3-3 м гача, узунлиги 2,9-15,1 м. Спиралли класификаторлар содда тузилишга эгалиги, ишлашнинг қулайлиги, юқори ишлаб чиқариш унумдорлигига эгалиги билан ҳаракаланади.


Спиралларнинг бир текис ва тинч айланиши маҳсулотни класификациялаш учун яхши шароит яратади ва катта зичликка эга тоза маҳсулот беради.

Спиралли класификаторларда класификациялашни қўйидаги параметрларни ўзгартириб бошқариш мумкин: айланиш частотаси, қуюлиш остоасининг баландлиги, бўтананинг зичлиги.

Майин қуюлма олиш учун спиралларнинг айланиш тезлигини камайтириш керак ва буниг аксинча дағал қумлар олиш учун спиралнинг айланиш частотасини ошириш керак. Спиралларнинг айланиш тезлиги  $1-25 \text{ мин}^{-1}$ .

Гидротиклонларда заррачаларнинг ажралиши оғирлик кучи таосирида эмас, балки марказдан қочувчи куч таъсирида содир бўлиши туфайли уларда нисбатан майда заррачаларни ҳам катта меҳнат унумдорлиги билан чўқтириш мумкин<sup>7</sup>.

<sup>7</sup> Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of metallurgy. 2007, Wroclaw University of Technology 178 p.



Гидроциклон

Гидроциклонларда ўлчами 15 мкм гача бўлган қуюлма олиш мумкин, шу туфайли уларни бўтанани шламсизлантириш учун ишлатиш мумкин. Маҳсулот йириклигини гидротсиклонга тушаётган бўтананинг босимини ҳамда пастки бўшатиш тешигининг ўлчамини ўзгартириш орқали бошқариш мумкин. Гидротсиклонлар худди механик классификаторлар қуюлмалари каби йириклидаги қуюлма олишга имкон беради. Бироқ гидротсиклонларнинг қуи маҳсулоти 50-65% қаттиқ заррачаларни сақлайди, яъни механик классификатордагига нисбатан суюкроқ қум олинади ва шунинг учун кўпроқ сувда муаллақ жойлашган майда синфи сақлайди. Шу сабабга кўра гидротсиклонларда классификациялаш самарадорлиги механик классификаторларнидан паст.

Гидроциклонлар рудаларни янчиш схемаларида кенг қўлланилади. Улар шарли тегирмонлар билан ёпиқ тсиқлда ишловчи механик классификаторларнинг ўрнини босади.

Гидроциклонлар катта саноат майдонини ишғол этмайди ва механик классификаторларга нисбатан анча арzon. Ишлатишида гидротсиклонлар классификаторларга нисбатан қулайроқ, чунки уларнинг тузилиши содда ва ҳаракатланувчи қисмлари йўқ. Гидротсиклонга келиб тушадиган маҳсулотнинг ҳажми механик классификаторлардагидан кам. Бу ҳам тегирмон-гидротсиклондан ташкил топган агрегатни ишга тушириш ва тўхтатиш енгиллаштиради, шунингдек рудани янчиш тсиқлида бўлиш вақтининг қисқалиги туфайли руданинг оксидланишини камайтиради.

Гидротсиклонларнинг асосий камчилиги гидротсиклоннинг ўзини ва унга бўтанани берувчи насоснинг тез ишдан чиқиши, ва насоснинг иши билан боғлиқ электр энергия сарфининг баландлиги. Уларнинг ишлаш муддатини узайтириш учун замонавий гидротсиклонлар ички томонидан резина қопланади ва алоҳида деталларини алмаштириш мумкин бўлиши учун

йигиладиган қилиб тайёрланади. Металнинг махсус навларидан тайёрланган насосларни ишлатиш тавсия қилинади<sup>8</sup>.

Гидротсиклонлар 50 дан 1000 мм гача диаметрда тайёрланади. Конуслик бурчаги одатда 20-22<sup>0</sup> қабул қилинади.

Бутананинг гидротсиклонга киришдаги босими 0,3 дан 3 ата. Пастроқ босимда ишлаш афзалроқ, чунки бунда гидротсиклоннинг ишдан чиқиши ва электренергия сарфи камаяди. Юқори ишлаб чиқариш унумдорлигига эришиш учун гидротсиклонларнинг бир нечасини ўрнатиш керак.

#### **Назорат саволлар:**

1.Шарли тегирмонларни шарлар билан тўлдириш коэффициенти нечага тенг?

2.Стерженли тегирмонларни стерженлар билан тўлдириш коэффициенти нечага тенг?

3.Ўзида ўзини янчувчи тегирмонда янчувчи восита сифатида нимадан фойдаланилади?

4.Поғонали тартибда барабаннинг критик айланиш тезлиги нечага тенг?

5. Шаршарали тартибда барабаннинг критик айланиш тезлиги нечага тенг?

6.Жамлашган тартибда барабаннинг критик айланиш тезлиги нечага тенг?

7.Классификация жараёнидан қандай махсулотлар ажралади?

8.Гидроциклонлар қандай махсулот олиш учун қўлланилади?

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of mineralogy. - Wroclaw University of Technology. 2007.
2. Umarova I.K. Boyitish fabrikalarini loyihalohs. Darslik. – T.: Moliya-iqtisod. 2015.
3. Umarova I.K., Solijonova G.Q. Foydali qazilmalarni boyitishga tayorlash jarayonlari.Uquv qo'llanma. – T.: TGTU, 2014.

---

<sup>8</sup> Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of mineralogy. 2007, Wroclaw University of Technology 179 p.

## **2-мавзу: Фойдали қазилмаларни бойитишга тайёрлаш (Янчиш жараёни)**

### **Режа:**

1. Янчиш жараёнининг назарий асослари ва дастгоҳлари
2. Руда тайёрлашда қўлланиладиган дастгоҳлар

**Таянч сўзлар:** янчиш даражаси, заррачалар ўлчами, Аерофол, Каскад, спирал, синфлаш, янчувчи восита, шарлар, стерженлар, қоплама, ишқаланиш, зарба, қуруқ янчиш, ҳўл янчиш, қуйилма, қум.

### **1.1 Янчиш жараёнининг назарий асослари ва дастгоҳлари**

Янчиш-қаттиқ заррачалар ўлчамини 10-30 мм дан 0,1-0,04 мм гача кичрайтиришдир. Янчиш жараёни барабанли тегирмонларда амалга оширилади. Бундай тегирмонларни ишлатиш юқори капитал ва эксплуататсион харажатлар билан боғлиқ. Шунинг учун кейинги пайтларда ўз-ўзини янчувчи барабанли ва бошқа тегирмонларга катта қизиқиши уйғонмоқда. Кўп турдаги рудалар учун ўзида-ўзини янчишда минералларнинг юзаси яхшироқ очилади, бойитишнинг сифат-миқдор кўрсаткичлари ортади, 1 тонна бойитма олиш учун кетадиган пўлатнинг сарфи камаяди.

Барабанли тегирмон ёнбош тарафдан ёпиладиган қопқоқли ва ишчиғовак тсанфали (бўйинли) тсилиндрик барабандан иборат.

Барабан айланганда янчувчи восита (шарлар, стерженлар, руда бўлаклари ва бошқалар) ва янчилувчи руда ишқаланиш ҳисобига қандайдир масофага кўтарилади, кейин сирғанади, думалайди ва пастга қулайди. Янчилиш пастга тушаётган янчувчи воситанинг урилиши, эзилиши ва тегирмон ичида сирғанувчи қатламлар орасидаги ишқаланиш ҳисобига содир бўлади.

Яngи барабанли тегирмонларни танлашда, шунингдек, уларни ишлатишида бир қатор муаммолар ҳосил бўлади. Уларга барабанинг нисбий айланниш частотасини танлаш, янчувчи воситанинг ўлчамларини аниқлаш, барабани янчувчи восита билан тўлдириш даражасини аниқлаш, дастлабки маҳсулотнинг янчилувчанлигини, янчилган маҳсулот йириклигини белгилаш, тегирмоннинг ўлчами ва тузилишини аниқлаш, шу билан бир қаторда тегирмоннинг ишлаб чиқариш унумдорлиги ва истеъмол қиладиган кувватига таъсир қилувчи бошқа параметрларни аниқлаш киради. Тегирмон ишининг ҳам технологик, ҳам иқтисодий самарадорлиги бу масалаларнинг тўғри ҳал қилинишига боғлиқ.

Барабанли тегирмон механик иш тартибини белгиловчи асосий параметрларга қўйидагилар киради: тегирмон барабанинг айланниш частотаси, %; тегирмон барабанинг тўлдириш даражаси, %.

Барабанли тегирмоннинг айланниш частотасига қараб янчувчи восита ҳаракатланишининг қўйидаги тартиблари мавжуд: поғонали, шаршарали, аралаш ва критикдан ортиқ тезликли.

Поғонали тартиб барабанинг кичик айланниш тезлигига янчувчи воситанинг учуб тушмасдан думалashi натижасида содир бўлади. Янчувчи

воситанинг бари айланиш томонига қараб, маълум баландликка кўтарилади ва кейин параллел қатламлар бўйлаб пастга думалайди. Янчувчи воситанинг маркази кам ҳаракатланувчи зона (ядро) га эга. Рудани янчиш тегирмоннинг поғонали ҳаракатланиши натижасида эзилиш ва ишқаланиш ҳисобига содир бўлади.

Тегирмон бу тартибда ишлаганда барабаннинг айланиш тезлиги критик айланиш тезлигининг 50-60 % ини ташкил қиласди.

Шаршара тартибида янчувчи восита айланма траектория бўйлаб каттароқ баландликка кўтарилади ва параболик траектория бўйлаб тушиб, айланма траекторияда жойлашган рудага зарба беради. Рудани янчиш асосий янчувчи жисмнинг зарбаси натижасида, қисман эса ишқаланиш ва эзилиш ҳисобига содир бўлади. Бу тартиб барабаннинг ҳамма ёки кўпчилик янчувчи восита айланма траекториядан параболик траекторияга ўтишдаги айланиш частотасида кузатилади. Бу тартибда ишлаганда барабаннинг айланиш тезлиги критик айланиш тезлигининг 78 - 86 % ни ташкил қиласди.

Аралаш тартиб соф поғонали тартибдан шаршара тартибида аста-секин ўтиш билан характерланади. Бунда янчувчи воситанинг ташқи қатламлари склон бўйлаб пастга думаловчи маҳсулотнинг ички қатламларига тушади. Бундай тартиб барабан айланиш частотасининг оралиқ қийматларида содир бўлади. Барабаннинг айланиш тезлиги критик айланиш тезлигининг 60-76 % ини ташкил қиласди.

Критикдан юқори тартиб барабаннинг айланиш частотаси критикдан юқори бўлгандан юзага келади.

Ҳар қандай тартибда янчувчи восита тегирмоннинг қопламаси ва унга ёпишган жисмлар, шунингдек жисмларнинг ўзлари орасида ҳосил бўладиган ишқаланиш кучи таъсирида айланма траектория бўйлаб ҳаракатланади. Ишқаланиш кучининг қиймати маҳсулотнинг (шарлар ва руда) барабаннинг ички юзасига кўрсатадиган босимида ва ишқаланиш коэффицентига боғлиқ.

Барабан айланишининг кичик частотасида ва тегирмон янчувчи восита билан камроқ (30%) тўлдирилганда айланма траектория бўйлаб ҳаракатланишда янчувчи воситанинг сирғаниши кузатилиши мумкин (қоплама юзаси ва барабан ичи). Барабаннинг янчувчи восита билан тўлдирилиши 40-50%, ва нотекис қопламада шарларнинг ташқи қатлами сирғанмайди, ички қатламларнинг нисбий силжиши эса ҳамма вақт кузатилади.

Реал шароитда янчувчи восита айланма траектория бўйлаб алоҳида ҳаракатланмасдан, бошқа жисмлар билан биргаликда ҳаракатланади.

Шарли тегирмоннинг ҳамма тартибларида янчувчи маҳсулотнинг қатламлари, шарлар ва қоплама орасида ўзаро бир-бирига кириб олиш кузатилиши мумкин.

Янчиш жараёнини ўз-ўзини янчувчи тегирмонларда қўйидагича тасаввур қилиш мумкин. Руданинг йирикроқ (150-450 мм) бўлаклари поғонали тартибда ҳаракатланади ва барабаннинг юқорига кўтариувчи томони бўйлаб кўтарилади ва думалоқ шаклга киради. Ўртача йириклидаги бўлаклар (50-150 мм) шаршара тартибида жойлашади. Параболик траектория

бўйлаб тушганда улар майдароқ бўлакларни зарба таъсирида янчийди ва аста-секин ўзлари ҳам йирик руданинг думаловчи бўлаклари орасида зарба, ишқаланиш ва эзилиш натижасида парчаланади.

Гравитацион ва марказдан қочувчи кучлар таъсирида, шунингдек лифтерлар ёрдамида руда бўлаклари то оғирлик кучи марказдан қочувчи кучдан ортгунча юқорига кўтарилади.

Йирик бўлаклар янчиш зонасига майда бўлаклардан олдин тушади ва қисқа вақт оралиғида майда бўлаклар каттароқ баландликка кўтарилади ва шаршара зонасига тушади. Тегирмон ҳажмининг 8 % и атрофида пўлат шарларни қўшиш янчиш жараёнини тезлаштиради.

Руда массасини керакли баландликка кўтариш учун ўз-ўзини янчувчи тегирмонлар лифтерлар билан таъминланган.

Барабан айланганда лифтерлар руда бўлакларини ушлаб олиб, лифтерларсиз тегирмондагига нисбатан каттароқ баландликка кўтаради.

Барабаннинг айланиш частотаси ва унинг тўлдирилиш даражасига қараб фақат истеъмол қилинадиган қувват эмас, балки зарба ва ишқаланиш орқали янчишга сарфланадиган фойдали қувват орасидаги нисбат ҳам ўзгаради.

Шаршара тартибида янчиш асосан рудали жисмнинг эркин тушишида зарба таъсирида, шунингдек ишқаланиш таъсирида содир бўлади.


Дағал янчилган маҳсулот айланиш частотаси катта бўлганда (аралаш ва шаршара тартиби); майин янчилган маҳсулот айланиш частотаси кичик бўлганда ишқаланиш натижаси (погонали тартиб) да олинади. Ўз-ўзини янчишда руданинг ҳамма бўлаклари бир вақтнинг ўзида ҳам янчилувчи, ҳам янчувчи ҳисобланиб, бу жараённинг самарадорлигини сезиларли равишда оширади.

Погонали, аралаш ва шаршара тартиблари бир-бири билан боғланган ва янчилиш шароити (тўлдириш даражаси, қопламанинг едирилиши, айланишлар частотаси, янчилувчи маҳсулотнинг физик-механик хоссаси, бўтанининг зичлиги ва ҳ.к) ўзгариши билан биридан-иккинчисига ўтиши мумкин.

Янчувчи муҳитнинг механикаси ўрганилганда, узилиб параболик траекторияга ўтгандаги ҳолатга ишқаланиш кучининг таъсири ҳисобга олинмайди. Шунинг учун шарли тегирмонларнинг амалдаги шу тартиби юқорида кўрилган назарий тартибдагидан фарқ қиласи.

Тегирмоннинг ишлаш жараёнида шарлар аста-секин емирилади. Шунинг учун тегирмоннинг нормал ишлаши учун шарлар ёки стерженлар массасини доимий ушлаб туриш керак. Шу мақсадда тегирмонга янги шар ёки стерженлар қўшиб турилади.

Тегирмонга унинг ҳажмининг тахминан ярмисигача турли ўлчамдаги (40 мм дан то 150 мм гача) пўлат ёки чўян шарлар солинади.



### Ўз-ўзини янчувчи тегирмон ММС 7000x2300

1-барабан; 2-лифтер; 3,14-ёнбош қопқоқлар; 4-юкловчи камера;  
5,11-подшипниклар; 6-юкловчи мослама; 7-електрдвигател; 8-тишли муфта;  
9-классификацияловчи мослама; 10-тишли жиға; 12-бүшатувчи тсанфа; 13-панжара.

Минерал заррачаларнинг сувда ва ҳавода тушиш тезлигига қараб синфларга ажратишга классификация дейилади. Классификация сувда олиб борилса гидравлик классификация, ҳавода олиб борилса пневматик классификация дейилади.

Гидравлик классификациядан мақсад худди элаш каби маълум йириклика эга заррачалар синфини ажратиш. Бироқ элашдан тубдан фарқ қилиб, классификация жараёнида синфлар йириклигига қараб эмас, балки “тeng тушувчи” синфларга ажратилади. Гидравлик классификация натижасида олинаётган ҳар қайси синф бир вақтнинг ўзида сувда бир хил тушиш тезлигига эга енгил минералларнинг йирик заррачаларини ва оғир минералларнинг майда заррачаларини сақлаши мумкин.

Гидравлик классификация мустақил, тайёрловчи ва ёрдамчи жараён бўлиши мумкин. Мустақил жараён сифатида гидравлик классификация марганетсли, волфрамли ва х.к. рудаларни дезинтегратсиялангандан кейин донали маҳсулотдан лой ва балчиқларни ювиш учун ишлатилади.

Тайёрлаш классификацияси маҳсулотларни алоҳида-алоҳида синфларга ажратиб, алоҳида бойитиш учун (масалан, гравитацион усулда) қўлланилади.

Классификация ёрдамчи жараён сифатида янчиш схемаларида ҳали янчилиб улгурилмаган маҳсулотни ажратиб олиш учун қўлланилади. Гидравлик классификацияга келиб тушувчи маҳсулотнинг йириклиги 3-4 мм дан ошмаслиги керак.

Бўшлиқдан фарқ қилиб, исталган мұхит (сув, ҳаво ва х.к.) ўзида тушаётган жисмга қаршилик кўрсатади. Заррачанинг мұхитда тушиш тезлиги унинг ўлчамига, шаклига, зичлигига ва мұхитнинг зичлигига боғлиқ. Юқори

зичликка эга йирик заррачалар зичлиги кичик майда заррачаларга нисбатан тезроқ тушади. Бироқ катта зичликка эга йирик заррачанинг шакли ясси бўлса, заррачанинг тушиш тезлиги камаяди, чунки бунда муҳитнинг қаршилиги ортади.

Муҳит қаршилиги 2 турга бўлинади: динамик қаршилик ва қовушқоқлик. Гидравлик класификацияда тушиш тезлигига иккала қаршилик ҳам таъсир қиласи, лекин уларнинг таъсир даражаси турли хил заррачалар учун бир хил эмас.

Йирик заррачалар катта тезлик билан тушаётганда сувнинг турбулент оқимига хос динамик қаршилик устунлик қиласи. Бу ҳолда заррачанинг паст босимли зонаси ҳосил бўлади ва уюрма оқим ҳосил бўлишига олиб келади.

Дастлабки вақтда минерал заррачалар гравитацион куч таъсирида муҳитда тезланиш билан тушади. Тезлик ортиб бориши билан муҳитнинг қаршилиги ортади ва жуда қисқа вақт ичида ҳаракатдаги гравитацион кучга тенглашади. Шу пайтдан бошлаб, заррача доимий тезлик билан ҳаракатланади ва бу тезлик берилган заррачанинг охирги тушиш тезлиги дейилади.

Назарий жиҳатдан амалдаги шароитда заррачанинг охирги тушиш тезлигини аниқлаш қийин, чунки тушишда жуда кўп сонли заррачалар иштирок этиб, уларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини ҳисоблаш мумкин эмас. Амалда заррачанинг охирги тушиш тезлигига эришиш вақти жуда кам (масалан, 1мм диаметрга эга шар шаклидаги заррачанинг тушиш вақти 0,01-0,2 сек) бўлгани учун гидравлик класификатсияда минерал заррачанинг синфларга ажралиши уларнинг охирги тушиш тезлигидаги фарқقا қараб амалга оширилади.

Гидравлик класификация амалга ошириладиган реал шароит учун заррачаларнинг охирга тушиш тезлигини назарий жиҳатдан аниқлаш қийин, чунки жараёнда жуда кўп сонли заррачалар иштирок этади, ва уларнинг бир-бирига ўзаро таъсирини (ишқаланиш, урилиш ва х.к) аниқлаш мумкин эмас<sup>9</sup>.

Шунинг учун заррачаларнинг охирги тушиши тезлиги «еркин» тушиш шароитида, яъни бошқа заррачаларнинг иштирокисиз ва идиш деворидан етарли даражадаги масофада узоқлашган шар шаклидаги заррачалар учун аниқланган.

Гидравлик класификация натижасида олинадиган синфлар тенг тушувчи, яъни ҳар хил зичликка ва ўлчамга эга, лекин бир хил тезликда тушувчи заррачалардан иборат. Бир хил тезликда тушувчи ҳар хил заррачалар диаметрларининг нисбати тенг тушиш коэффиценти дейилади.

Тенг тушиш коэффиценти бир хил тушиш тезлигига эга енгил минералларнинг заррачаси оғир минерал заррачасидан неча марта катталигини кўрсатади.

Юқорида кўриб ўтилган алоҳида олинган минерал заррачанинг эркин тушиш шароитидаги қонуниятлари минерал заррачанинг ҳаракатланиши

<sup>9</sup> Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of metallurgy. 2007, Wroclaw University of Technology 173-174 p.

чегараланган бўшликда содир бўлувчи гидравлик классификацияни тўлиқ характерлаб бера олмайди. Бундай ҳаракатланишда ҳар қайси заррача бошқа ҳаракатдаги заррачаларнинг таъсирига учрайди. Ундан ташқари, муҳитнинг ўзига ҳар қайси заррача ва ҳамма заррачаларнинг массаси умумий ҳолда динамик таъсир этади.


Заррачаларнинг бундай шароитда тушиши сиқилиб тушиш дейилади. Заррачаларнинг сиқилиб тушиш тезлиги ҳамма вақт эркин тушиш тезлигидан кичик ва у муҳитнинг қовушқоқлигига боғлиқ бўлиб, қаттиқ заррачаларнинг миқдори ортиши билан ортади.

Заррачаларнинг сиқилиб тушишида содир бўладиган ҳодисаларнинг мураккаблиги туфайли унинг тезлигини эмпирик формулалардан аниқланади.

Бойитиш фабрикаларида ишлатиладиган гидравлик классификаторларни шартли равишда 2 гурухга бўлиш мумкин:

1. Ажралиш гравитацион ва муҳитнинг қаршилик кучи асосида амалга ошадиган классификаторлар (камерали, конусли, спиралли, пирамида шаклидаги классификаторлар).

2. Юқоридаги кучлардан ташқари марказдан қочувчи куч таъсир қиласидиган классификаторлар.



#### Гидравлик классификаторнинг ишлаш принципи<sup>10</sup>

Бу классификаторлар маҳсулотни гравитацион усулда бойитишдан олдин тайёрлаш классификацияси учун ишлатилади. Классификаторлар 2, 4, 6, ёки 8 та камерадан иборат бўлиб, камералар сони маргадан кейин кўрсатилади (КГ-2, КГ-4, КГ-6, КГ-8). Камераларнинг кенглиги маҳсулот берилиши томонидан маҳсулот қуйилиши томонга ортиб боради. Камерали гидравлик классификатор ўлчамлари кетма-кет катталашиб борувчи ва юқори қисмида битта бўтана оқими бўйлаб кенгайиб борувчи умумий тарновчага эга бир қатор пирамида шаклидаги камералардан иборат.

Дастлабки бўтана тарновчанинг тор қисмига берилиб, у классификатор камераларини тўлдиради ва тарновчанинг кенг қисмидан оқиб тушади. Минерал заррачалар ўзларининг сувда тушиш тезликларига қараб, маълум йириклиқдаги синфларни ҳосил қилиб ҳар хил камераларда чўкади. Энг майда фрактсия қуюлма билан чиқиб кетади.


---

<sup>10</sup> Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of metallurgy. 2007, Wroclaw University of Technology 169 p.

Спиралли классификаторлар бир ва икки спиралли қилиб тайёрланади. Улар горизонтта 12-18° бурчак остида ўрнатилади. Спираллар бир, икки ва уч заходли бўлиб, унинг қадами спирал даметрининг 0,5 - 0,6 сига тенг<sup>11</sup>.

Спиралли классификаторлар ботган спиралли ва ботмаган спиралли классификаторларга бўлинади.

Ботмаган спиралли классификаторларда қуюлиш остонаси валдан юқорида, юқори қисми эса бўтананинг устида жойлашади.



Спиралли классификатор

Ботган спиралли классификаторларда эса қуюлиш остонаси бўтанага тўлиқ ботган бўлади ва бу билан чўкишнинг катта зонасига эришилади ва маҳсулотнинг класификатсияси тинчроқ мухитда ўтади. Шунинг учун ботган спиралли класификаторлар ўлчами  $<0,15$  мм дан кичик майин, туюлган маҳсулотни ажратиш учун қўлланилади. Бу класификаторларнинг қуюлма бўйича и/ч унумдорлиги ботмаган спиралли класификаторларга нисбатан 1,5 баробар катта.

Спиралли класификаторларнинг диаметри 0,3-3 м гача, узунлиги 2,9-15,1 м. Спиралли класификаторлар содда тузилишга эгалиги, ишлашнинг қулайлиги, юқори ишлаб чиқариш унумдорлигига эгалиги билан ҳаракаланади.


Спиралларнинг бир текис ва тинч айланиши маҳсулотни класификациялаш учун яхши шароит яратади ва катта зичликка эга тоза маҳсулот беради.

<sup>11</sup> Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of metallurgy. 2007, Wroclaw University of Technology 174 p.

Спиралли классификаторларда классификациялашни қуидаги параметрларни ўзgartириб бошқариш мүмкін: айланиш частотаси, қуюлиш остонасининг баландлиги, бўтананинг зичлиги.

Майин қуюлма олиш учун спиралларнинг айланиш тезлигини камайтириш керак ва буниг аксинча дағал қумлар олиш учун спиралнинг айланиш частотасини ошириш керак. Спиралларнинг айланиш тезлиги  $1\text{-}25 \text{ мин}^{-1}$ .

Гидроциклонларда заррачаларнинг ажралиши оғирлик кучи таъсирида эмас, балки марказдан қочувчи куч таъсирида содир бўлиши туфайли уларда нисбатан майда заррачаларни ҳам катта меҳнат унумдорлиги билан чўқтириш мүмкін<sup>12</sup>.



Гидроциклон

Гидроциклонларда ўлчами 15 мкм гача бўлган қуюлма олиш мүмкін, шу туфайли уларни бўтанани шламсизлантириш учун ишлатиш мүмкін. Махсулот йириклигини гидроциклонга тушаётган бўтананинг босимини ҳамда пастки бўшатиш тешигининг ўлчамини ўзgartириш орқали бошқариш мүмкін. Гидроциклонлар худди механик классификаторлар қуюлмалари каби йириклидаги қуюлма олишга имкон беради. Бироқ гидроциклонларнинг қуий маҳсулоти 50-65% қаттиқ заррачаларни сақлайди, яъни механик классификатордагига нисбатан суюқроқ қум олинади ва шунинг учун кўпроқ сувда муаллақ жойлашган майда синфи сақлайди. Шу сабабга кўра гидроциклонларда классификациялаш самарадорлиги механик классификаторларнидан паст.

Гидроциклонлар рудаларни янчиш схемаларида кенг қўлланилади. Улар шарли тегирмонлар билан ёпиқ тсиклда ишловчи механик классификаторларнинг ўрнини босади.

Гидроциклонлар катта саноат майдонини ишғол этмайди ва механик классификаторларга нисбатан анча арzon. Ишлатишида гидроциклонлар

<sup>12</sup> Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of metallurgy. 2007, Wroclaw University of Technology 178 p.

классификаторларга нисбатан қулайроқ, чунки уларнинг тузилиши содда ва ҳаракатланувчи қисмлари йўқ. Гидроциклонга келиб тушадиган маҳсулотнинг ҳажми механик классификаторлардагидан кам. Бу ҳам тегирмон-гидроциклондан ташкил топган агрегатни ишга тушириш ва тўхтатиш енгиллаштиради, шунингдек рудани янчиш тсиклида бўлиш вақтининг қисқалиги туфайли руданинг оксидланишини камайтиради.

Гидроциклонларнинг асосий камчилиги гидроциклоннинг ўзини ва унга бўтанани берувчи насоснинг тез ишдан чиқиши, ва насоснинг иши билан боғлиқ электр энергия сарфининг баландлиги. Уларнинг ишлаш муддатини узайтириш учун замонавий гидроциклонлар ички томонидан резина қопланади ва алоҳида деталларини алмаштириш мумкин бўлиши учун йиғиладиган қилиб тайёрланади. Металнинг маҳсус навларидан тайёрланган насосларни ишлатиш тавсия қилинади<sup>13</sup>.

Гидроциклонлар 50 дан 1000 мм гача диаметрда тайёрланади. Конуслик бурчаги одатда 20-22° қабул қилинади.

Бутананинг гидроциклонга киришдаги босими 0,3 дан 3 ата. Пастроқ босимда ишлаш афзалроқ, чунки бунда гидроциклоннинг ишдан чиқиши ва электрэнергия сарфи камаяди. Юқори ишлаб чиқариш унумдорлигига эришиш учун гидроциклонларнинг бир нечтасини ўрнатиш керак.

#### **Назорат саволлар:**

- 1.Шарли тегирмонларни шарлар билан тўлдириш коэффициенти нечага тенг?
- 2.Стерженли тегирмонларни стерженлар билан тўлдириш коэффициенти нечага тенг?
- 3.Ўзида ўзини янчувчи тегирмонда янчувчи восита сифатида нимадан фойдаланилади?
- 4.Поғонали тартибда барабаннинг критик айланиш тезлиги нечага тенг?
5. Шаршарали тартибда барабаннинг критик айланиш тезлиги нечага тенг?
- 6.Жамлашган тартибда барабаннинг критик айланиш тезлиги нечага тенг?
- 7.Классификация жараёнидан қандай маҳсулотлар ажралади?
- 8.Гидроциклонлар қандай маҳсулот олиш учун қўлланилади?

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

4. Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of mineralogy. - Wroclaw University of Technology. 2007.
5. Umarova I.K. Boyitish fabrikalarini loyihalohs. Darslik. – Т.: Moliya-iqtisod. 2015.
6. Umarova I.K., Solijonova G.Q. Foydali qazilmalarni boyitishga tayorlash jarayonlari.Uquv qo'llanma. – Т.: TGTU, 2014.

---

<sup>13</sup> Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of mineralogy. 2007, Wroclaw University of Technology 179 p.

### **3-мавзу. Фойдали қазилмаларни гравитация усулида бойитиши.**

#### **Режа:**

1. Чўктириш усулида бойитиши асослари
- 2.. Чўктириш машиналарининг турлари, тузилиши ва ишлаш принциплари
- 3.Чўктириш машиналари
- 4.Чўктириш машиналарининг асосий параметрлари ва ишлаш тартиби.

**Таянч сўзлар ва иборалар:** чўктириши, чўктириши цикли, гармоник цикл, Мейер цикли, Берда цикли, Томас цикли; панжара, квартс, квартс – олтин, квартс-пиролюзит, тебранишилар частотасининг технологияни параметрлари, поршенли чўктириши машинаси, диафрагмали чўктириши машинаси, чўктириши машиналарининг солиштирма ишлаб чиқарии қуввати.

#### **3.1.Чўктириш усулида бойитиши асослари.**

Фойдали қазилмаларни «чўктириш» (отсадка) усули билан бойитиши пулсатсиаланувчи муҳитда минерал заррачаларнинг вертикал текислиқда ҳаракат тезлиги фарқга асосланган. Жараён чўктириш «Отсадочная машина» деб аталувчи дастгоҳларда ўтказилади. Дастгоҳнинг асосий ишчи қисми «чўктириш панжараси» бўлиб, унда минерал заррачалар зичлиги ва йириклиги билан қатламланадилар. Сараланиш, муҳитга юқорига-пастга ҳаракат қилувчи оқим (пульсатсия) ҳосил қилиш ҳисобига амалга оширилади. Панжаранинг юзасида (пастки қисмида) оғир ва йирик, юқори қисмида енгил заррачалар қатлами ҳосил бўлади. Панжара юзасида ҳосил бўлган заррачалар қатлами табиий таглик (постел) деб аталади.

Енгил заррачалар муҳит оқими билан дастгоҳдан чиқиб кетади, оғир заррачалар эса панжарадан ўтиб, дастгоҳнинг пастки қисмида тўпланади ва маҳсус мослама орқали чиқариб турилади.

Ўлчамлари 10 мм дан кичик бўлган заррачалар учун панжарага суний таглик терилади. Суний тагликнинг (гематит, магнетит, ферросилиций, металл соққачалар ва бошқалар) зичлиги оғир минералницидан кичик, енгил минералницидан катта ва ўлчами ажратилаётган энг йирик заррачадан 2-2,5 марта катта бўлиши керак. Суний таглик енгил, заррачаларни панжарадан ўтиб бойитманинг улар билан ифлосланишига йўл қўймайди.

Амалда бу усул ўлчамлари 0,25 (0,5) мм дан 150 (250) мм гача катталиқда бўлган рудаларни бойитишида ишлатилади (1.6-жадвал).

Олдиндан тенг тушишлик коэффицентини инобатга олган ҳолда таснифланган материаллар бойитилса технологик кўрсатгичлар яхши бўлади. Ажратилаётган заррачаларни ўлчамлари ва зичликларини фарқи қанча катта бўлса Чўктириш жараёнини самарадорлиги шунча юқори бўлади. Шунинг учун йирик ва ажратилаётган заррачалар зичликларининг фарқи катта бўлган фойдали қазилмаларни бойитишида Чўктириш усулидан кенг фойдаланилади.

Чўқтириш машиналари таглигининг хоссалари қўйидагилардан иборат: зичлиги, қалинлиги, бўшоқлиги, гранулометрик ва фракцион таркиби.

### **Технологияни параметрлари**

Чўқтириш жараёнига қўйидаги омиллар тасир қиласди:

1. Бойитилаётган руда хоссаси (йириклиги, гранулометрик, фракцион таркиби, шакли, қаттиқлилиги) унумдорлиги.
2. Гидродинамик (сувнинг сарфи, К:С; сув босими, зичлиги, қовушқоқлиги ва бошқалар)
3. Аэрогидродинамик (Чўқтириш цикли, частота, амплитуда)
4. Конструктив – панжара юзаси, пульсатсия ҳосил қилиши усули, қаттиқ моддаларни машинадан чиқариш усули.

Рудани фракцион таркиби бойитишга катта тасир қиласди. Бойитилиши қийин рудаларда маҳсулотлар тоза чиқмайди.

1. Механик мустаҳкамлиги кичик бўлса шлам ҳосил бўлиши мумкин.
2. Руда заррачасини ялпоқ бўлиши таглик хоссаларини ёмонлаштиради.
3. Юкни катталашиши Чўқтириш машинасида материаллар ҳаракат тезлигини оширишга, машинада бўлиш вақтни озайтиришга, ажралиш аниклигини камайишига олиб келади. Юкни озайиши эса оғир маҳсулотни енгил заррачалар билан ифлосланишига олиб келади.

3-жадвал

#### **Чўқтириш усулинин қўлланилиши**

Фойдали қазилма, асосий минерал	Асосий минералнинг зичлиги, кг/м <sup>3</sup>	Заррачаларнинг йириклик чегараси, мк
Қора металлар рудалари: кўнгир темир рудаси магнетит пиролюзит хромит магнетито-гематитли	3500 4300 4820 440 5200	50-3 50-0,2 50-0,2 10-0,2 1-0,2
Тошкўмир Антратсит Ёнувчи сланетслар	1500 гача 2000 гача 2200	100(250)-10(13) 100(250)-10(13) 150-25
Сочма кон рудалари: кассетерит, волфрамит, танталит ва бошқалар титан-тцирконли	6000-8000 4200-5200	25-0,05 25-0,05
Туғма конлар: кассетрит, волфрамитлар	6950-7350	6-0,3

4. Тебранишлар частотаси (пульсатсия) кам бўлса оқимни юқорига ҳаракатланиш тезлиги ошириш мумкин, тебранишлар амплитудаси катта бўлади, таглик кўтарилиши максимал даражада етади. Тагликни бўшоқлиги

ошади, аммо режим турғун бўлмайди. Тебранишлар частотаси катта бўлса режимни турғунлигни юқори бўлади, аммо тагликнинг бўшоқлик даражаси камаяди.

5. Ҳаво босимини ошиши мутаносиб равишда оқимни юқорига ва пастга ҳаракатланиш тезликларини, тебранишлар амплитудасини, тагликни кўтарилишини оширади.

6. Панжара остига сув бериш йўли билан Чўктириш машиналарининг иш фаолиятини яхшилашга (мослашга) осонроқ эришилади.

### **3.2.Чўктириш машиналарининг турлари, тузилиши ва ишлаш принциплари.**

Чўктириш деб минерал заррачаларнинг гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасаювчи сув оқими ҳаракатланади. Бундай сув оқимларининг мунтазам ҳаракати туфайли маҳсулот турли зичликдаги қатламларга ажralади. Пастки қатламда катта зичликка эга, юқори қатламларда эса кичик зичликка эга маҳсулот йиаилади. Чўктириш машиналарининг поршенли, диафрагмали, поршенсиз, ва ҳаракатланувчи панжарали турлари мавжуд.

**Поршенли чўктириш машинаси** камерадан иборат бўлиб, у тагига этмайдиган тўсиқ орқали 2 та бўлимга бўлинган: чўктириш ва поршенли бўлимлар. Чўктириш бўлимида панжара ўрнатилган бўлиб, унинг устида минерал заррачалар ажратилади. Поршенли бўлимда поршен бўлиб, унга экстцентрик вал қайтарма-илгарилама ҳаракат беради.

Машина ишлаш вақтида камера сув билан тўлдирилади. Бойитувчи маҳсулот панжара устига берилади. Поршен ёрдамида Чўктириш бўлинишда панжара устидаги маҳсулотга мунтазам таъсир қилувчи гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасаювчи сув оқими ҳосил қилинади.

Юқорига кўтарилиувчи сув оқими таъсирида минерал заррачалар аралашмаси (оаир ва энгил минераллар) кўтарилиди ва аовакланади.

Юқорига кўтарилиувчи сув оқимининг тезлиги поршен пастга ҳаракатланиши билан аста-секин органи учун аввал аралашмадан энгил минералларнинг майда заррачалари кўтарила бошлайди. Юқорига кўтарилиувчи сув оқимининг тезлиги ортиши билан "Фойдали қазилмаларни бойитиш ва қайта ишлаш"дан энгил минералларнинг йирик заррачалари, шунингдек, оғир минералларнинг майда ва кейин йирик заррачалари кўтарилиади.

Юқорига кўтарилиувчи сув оқимининг тезлиги камайганда оғир минералларнинг йирик заррачалари аввал муаллақ ҳолда жайлашиб, кейин секин пастга тушади, бу пайтда энгил минераллар муаллақ ҳолда бўлади (йирикроқлари) ёки майдароқлари юқорига кўтарилишини давом эттиради.


Шундай қилиб, юқорига кўтарилиувчи сув оқими таъсири вақтида ҳар хил ўлчам ва зичликка эга бўлган заррачалар панжара устида ҳар хил баландликка кўтарилиди; оаир ва йирик заррачаларнинг бир қисми панжара устида қолади.

Поршен юқорига ҳаракатланганда пастга ҳаракатланувчи сув оқими ҳосил бўлиб, бунда оғир минералларнинг йирик заррачалари энг катта

тезлик билан панжараға йўналади, энгил минералларнинг майда заррачалари энг кичик тезлик билан панжара томон харакатланади.

Бу пайтда панжара устидаги минерал заррачалар қатлами зичлашади. ғовакланиш ва зичланиш тциклларининг қайта-қайта такрорланиши натижасида минерал заррачаларнинг бирламчи қатлами иккиламчи қатламига бўлинади: юқори қатламда минералларнинг нисбатан энгил заррачалари, пастги қатламда эса нисбатан оаирлари жойлашади.

Чўктириш муентазам ғовакланиб ва зичлашиб турувчи маҳсулот қатламида сиқилиб тушиш шароитида амалга оширилади. Бунда Чўктириш машинасининг панжарасида ҳамма вақт ўриндик деб аталувчи қатлам бўлади. Бу ўриндик табийй ва сунъий бўлиши мумкин. Агар ўриндик бойитилаётган маҳсулотнинг йирик ва оғир заррачаларидан ташкил топган бўлса - табийй ўриндик, бошқа маҳсулот заррачалардан тузилган бўлса, сунъий ўриндик дейилади. Сунъий ўриндик сифатида дала шпати, магнетит, метал-золдирлар ишлатилиши мумкин. Минерал заррачалар ҳам аовакланган ҳолатида бўлганда ва пастга харакатланувчи сув оқими таъсир эта бошлаганда оғир минералларнинг майда заррачалари пастга харакатланувчи сув оқимининг сурувчи таъсири натижасида йирик оғир заррачалар каналлари орасидан ўтиб кетади.



24- расм. Чўктириши машиналарининг асосий турлари:  
а-поршенли; б-диафрагмали; в-поршесиз; э-қўзг`алувчи панжарали.  
1-панжара; 2-поршиен; 3-екстセンтирк вал; 4-камера; 5-тўсик; 6-резинали диафрагма.

Оғир майда заррачаларнинг бир қисми панжара тешклари орасидан Чўктириш машинасининг камерасига ўтиб кетади, қолганлари эса йирик оғир заррачалар қатлами остида панжара бўйлаб харакатланади.

Худди шунга ўхшаб, энгил минералларнинг майда заррачалари йирик энгил заррачалар орасидан ўтиб, йириклиаридан пастда бўлиб қолади. Бироздан кейин минерал заррачалар қатлами зичлашиши энгил минераллар майда заррачалари оғир минералларнинг заррачалари орасидаги каналлардан ўтиб кетишга улгурмайди ва кейинги юқорига кўтарилиувчи сув оқими билан юқорига кўтарилади.

Заррачаларнинг йириклиги ва зичлигига караб бундай қайта тақсимланишига маҳсулотнинг сегрегатсияси сабаб бўлади ва у минерал

заррачалар қатламининг мунтазам тақрорланувчи тебранишлари натижасида ҳосил бўлади.

Сегрегатсия - маҳсулотни ўлчами ва зичлигига қараб табиий равища қайта тақсимланиши. Масалан: Руда кия тарновча бўйлаб пастга ҳаракатланганда майдা

### **3.3. Чўктириш машиналари**

Фойдали қазилмаларни бойитиш амалиётида асосан уч турдаги чўктириш машиналари ишлатилади: поршенли, диафрагмали ва поршенизиз. (24–расм, а, б, в).

кўзг`алувчи панжарали чўктириш машиналари жуда кам ҳолларда ишлатилади (24–расм, г).

**Поршенли чўктириш машиналарининг ишлаш принтсиби юқорида кўриб чиқилди.**


Поршенли чўктириш машиналари икки, уч ва тўрт камерадан иборат бўлади. Камеранинг ости қисми пирамида ёки чўзинчоқ шаклга эга. Камерадаги панжара кичик фарқ билан ўрнатилади. Ҳар қайси камеранинг панжараси олдинги-сидан тахминан 100 мм га пастроқ ўрнатилади. Сувнинг тебранишлари поршен ёрдамида ҳосил қилинади. Ҳар қайси камеранинг панжараси, олдингисидан тахминан 100 мм пастроқقا ҳолда ўрнатилади. Сувнинг тебранишлари поршен ёрдамида ҳосил қилинади. Ҳар қайси камера остига сув берилади. Йирик оғ'ир заррачалар қопқоқ ёрдамида бошқариладиган тузоқ орқали, майдалари эса ўриндиқ ёки панжара орқали бўшатилади. Энгил заррачалар охирги камерадан қуюловчи остона орқали ўз оқими билан чиқарилади.

Поршенли чўктириш машиналарининг ишлаб чиқариш унумдорлиги бойитилаётган маҳсулотнинг йириклиги ва панжаранинг ўлчамига қараб 0,5 дан 8 т/соат ни ташкил қиласи.

**Диафрагмали чўктириш машинаси (24–расм, б)** рудаларни бойитиш амалиётида кенг ишлатилади. Унинг ишлаш принтсиби худди поршенли машинанинг ишлаш принтсиби ўхшайди. Улардаги фарқ шундан иборатки, юқорига ва пастга ҳаракатланувчи сув оқими поршен билан эмас, балки резина диафрагма 6 ёрдамида ҳосил қилинади.

Диафрагмали чўктириш машиналарида диафрагма вер-тикал ва горизонтал жойлашиши мумкин. Диафрагма юқорида маҳсус диафрагма бўлимида, панжаранинг остида ёки камера-нинг ён деворида жойлашиши мумкин.

Диафрагмаси пастда жойлашган диафрагмали чўктириш машинасининг тузилишини кўриб чиқамиз (2–расм). МОД–2 чўктириш машинаси корпус 7 да жойлашган иккита камерадан ташкил топган. Ҳар қайси камеранинг пастки қисми манжет 6 ва тцилиндр шаклидаги гардиш, 4 орқали кўзг`алувчи конусли воронка 3 билан bog`ланган. Бу воронкалар шарнир орқали бир-бири билан маҳкамланган пружиналанувчи рессор 1 билан bog`ланган. Ишчи камераларда панжара 5 ўрнатилган. Камера-ларга сув коллектор 10 орқали берилади.



25-расм. Диафрагмали чққтириши машинаси МОД-2

Камераларга тушаётган минерал заррачалар аралашмаси сув оқимининг тебранишлари таъсирида турли зичликдаги заррачаларни сақловчи қатламларга бўлинади. Нисбатан оғир минералларнинг заррачалари конусли воронкаларда йиг`илиб, дав-рий ҳолда бўшатиш туйнуги орқали бўшатиб олинади. Енгил заррачалар қуюлиш остонаси орқали чиқиб кета-ди. Панжара га магнетит, ферросилитсий каби оғир минераллардан ўриндиқ тўшалади. Ўриндиқнинг қалинлиги бойитилаётган маҳсулотнинг йириклигига боғлик. Бу машиналарнинг техник характеристикаси 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Чўқтириш машиналарининг техник характеристикаси

Кўрсаткичлар	МОД-2	МОД-3	МО-6
Камералар сони	2	3	6
Камералар ўлчами, мм	1000x100 0	1000x1000	1250x1250
Панжаранинг фойдали майдони, м <sup>2</sup>	1,8	2,7	8,65
Тагининг юриши, мм	2-18	2-18	3-16
Ишлаб чиқариш унумдорлиги, т/соат	25 гача	30 гача	30-40
Електродвигател куввати, кВт	1,7	1,7	2,8
Габарит ўлчамлари, мм			
узунлиги	2500	3700	4850
кенглиги	1645	1645	3260
баландлиги	1360	2115	2570

Машинага бериладиган руда заррачаларининг ўлчами 15 мм дан ортмаслиги керак. Машинанинг ишлаб чиқариш унумдорлиги 25 т/соат, конусли воронкаларнинг тебраниш частотаси 350 мин<sup>-1</sup>, юришнинг ўлчами 40 мм дан ошмаслиги керак.

МОД-2; МОД-3; МО-6 турдаги диафрагмаси пастда жойлашган, конуссимон тағлика эга чўқтириш машиналари рудаларни бойитища кенг ишлатилади. МОД-2; МОД-3 машиналари ўлчами 15 мм гача, МО-6 эса ўлчами 0,1–2 мм ли ру-даларни бойитиш учун ишлатилади.

### **3.4. Чўқтириш машиналарининг асосий параметрлари ва ишлаш тартиби.**

Чўқтириш самарадорлиги чўқтириш машиналарининг конструкцион хусусиятлари ва бир қатор технологик ва гидро-динамик параметрларга боғлик.

Чўқтириш машиналарининг асосий параметрлари: солиширма ишлаб чиқариш қуввати; поршен ёки диафрагманинг тебраниш частотаси ёки юриши; ўриндиқнинг тури, панжара ости сувининг сарфи.

Чўқтириш машиналарининг солиширма ишлаб чиқариш қуввати турли турдаги фойдали қазилмани бойитища кенг чегарада ўзгариб туради. Масалан: кўмирни бойитищд 5 дан 30 т/м<sup>2</sup>соат гача бўлса (маҳсулот ўлчамига қараб), темирли ва марганетсли рудаларни бойитиши 5дан 15 т/м<sup>2</sup>соат гача, олтин ва волфрамли рудаларни бойитиши 5дан 20 т/м<sup>2</sup>соат ни ташкил қиласи. Маҳсулотнинг йириклигидан ташқари чўқтириш машинасининг оптимал солиширма ишлаб чиқариш қувватини танлашга бойитилаётган маҳсулотнинг зичлиги ва фракцион таркиби, чўқтириш машинасининг конструкцион хусусияти ва шунингдек чўқтириш маҳсулотлари сифатига қўйиладиган талаблар таъсир қиласи. Солиширма қуввати оптималдан чиқиб кетса, чўқтириш самарадорлиги пасайди. Солиширма ишлаб чиқариш қуввати жуда катта бўлса, бойитилаётган маҳсулотнинг машинада бўлиш вақти камайиб, маҳсулот этарли даражада қаватланишга улгурмайди ва унинг сифати ёмонлашади.

Худди шунингдек, солиширма ишлаб чиқариш қуввати камайиб кетса, қаватланган маҳсулот араласиб кетади ва бунда ҳам маҳсулотнинг сифати ёмонлашади. Чўқтириш машиналарининг қуввати панжаранинг 1м кенглиги ёки 1м<sup>2</sup> юзасига тқг'ри келадиган солиширма ишлаб чиқариш нормасига асосан аниқланади. Чўқтириш машиналарининг ишлаб чиқариш қувватини куйидаги формула бўйича ҳисоблаш мумкин:

$$Q = 3,6 \text{ НВv} \delta\theta \text{ т/соат.}$$

Н-машина камерасидаги маҳсулот қатламиининг баландлиги, м.

В-чўқтириш камерасининг кенглиги, м.

в-маҳсулотни камерада о'ртacha бо'йлама ҳаракатланиш тезлиги, м/сек.

$\delta$  -маҳсулотнинг зичлиги, кг/м.

$\theta$  -маҳсулотнинг г`овакланиш даражаси,  $\theta = 0,5$

### ***Назорат учун саволлар***

1. Гравитацион жараён деб нимага айтилади?

2..Гравитация усули билан бойитища қандай муҳитнинг хоссаларини биласиз?

3. Чўқтириш усулида бойитишнинг моҳияти нимадан иборат?
4. Чўқтириш жараёнига нималар таъсир қиласи?
5. Чўқтириш машиналарини нечта тури бор ?
6. Поршенли чўқтириш машинаси ишлаш тартиби қандай ?
7. Диафрагмали чўқтириш машинасини ишлаш тартиби қандай ?
8. Чўқтириш машинасида маҳсулотлар қандай тақсимланади?
9. Чўқтириш машиналарининг асосий параметрлари нималардан иборат?
10. Чўқтириш машиналарнинг техник характеристикасини тушунтириб беринг?

### ***Назорат учун саволлар***

- 1.Гравитацион жараён деб нимага айтилади?
- 2..Гравитация усули билан бойитишда қандай мухитнинг хоссаларини биласиз?
3. Чўқтириш усулида бойитишнинг моҳияти нимадан иборат?
4. Чўқтириш жараёнига нималар таъсир қиласи?
5. Чўқтириш машиналарини нечта тури бор ?
6. Поршенли чўқтириш машинаси ишлаш тартиби қандай ?
7. Диафрагмали чўқтириш машинасини ишлаш тартиби қандай ?
8. Чўқтириш машинасида маҳсулотлар қандай тақсимланади?
9. Чўқтириш машиналарининг асосий параметрлари нималардан иборат?
10. Чўқтириш машиналарнинг техник характеристикасини тушунтириб беринг?

### ***Adabiyotlar:***

- 1.V.P. Egorov. Obogashchenie poleznykh iskopаемых. M.Nedra., 2015.
- 2.Spravochnik po obogashcheniyu rud. T2 Osnovnye protsessy M. Nedra 2003.
- 3.Umarova I.K. Foydali qazilmalarni boyitish texnologiyasi. Fan va texnologiyalar nashriyoti, 2014
- 4.Abramov A.A. Texnologiya obogashcheniya rud tsvetnykh metallov. MGGU, 2017.
- 5.<http://www.elibrarv.ru/menu/info.asp> - ilmiy elektron kutubxona,
6. <http://mggu.da.ru> - Moskva davlat konchilik universiteti,
7. <http://www.mining-iournal.com/mi/MJ/mi.htm> - Mining Journal,
8. <http://info.uibk.ac.at/c/c8/c813> - Institute of Geotechnical and Tunnel Engineering,
9. <http://www.rsl.ru> - Rossiya davlat kutubxonasi,
10. <http://www.minenet.com> - Mining companies.

## **4- мавзу: Рангли металлар рудаларини бойитишда янги инновацион технологияларни қўллаб бойитишнинг технологик кўрсаткичларини қўтариш истиқболлари.**

Режа:

1. Гравитация усулида бойитиш
2. Магна ва Артур фабрикалари (АҚШ).
- 2.Моренси фабрикаси (АҚШ).
- 3.Норанда фабрикаси (Канада).
- 4.Чукикамата фабрикаси (Чили).

**Таянч сўзлар:** физик- кимёвий хоссалар, молекуляр куч, кимёвий боғланиш, поляр, аполяр,гетерополяр, қутибланиш, сирт энергияси, когезия иши, адгезия иши, ҳаво пулфакчаси, ҳўлланиш, суЮқ фаза, эриш тезлиги, йиғувчи реагентлар, сўндирувчи реагентлар, кўпик ҳосил қилувчи реагентлар, фаоллаштирувчи, кимёвий сўрилиш, гидрофоб, гидрофил, сулфидрил.

### **4.1.Гравитация усулида бойитиши**

Гравитация усулида бойитиш фақат таркибида соф ҳолдаги мис сақловчи маъданлар учун қўлланилиб, у ҳам кўпинча флатация билан биргаликда қўлланилади. Бошқа турдаги маъданлар учун гравитация усулида бойитиш мустақил жараён ҳисобланмай, йўлдош минераллар (нодир металар, қалай ва бошқалар) ни ажратиш учун қўлланилади. Бойитишнинг бошқа жараёнларидан қўлда саралаш Африкада бироз тарқалган.

Монометал мисли маъданларни бойитувчи баъзи фабрикаларда 95% дан ортиқ мис ажратилади. Миснинг нисбатан юқори ажралшига (97,4%) Гаспе фабрикасида эришилади. Шу билан бир қаторда баъзи фабрикаларда миснинг ажралиши анча паст (69-75%), бунга сабаб ушбу фабрикаларда камбағал маъданлар ёки чиқиндилар қайта ишланади. Иккинчи тарафдан, баъзи фабрикаларда, жумладан Африкада, миснинг юқори даражада ажралишига қарамай чиқиндидаги миснинг микдори бошқа фабрикаларнинг дастлабки маъданларидағига teng (масалан, шимолий Родезиядаги Нганга фабрикаси, Конгодаги Панда ва Руве фабрикалари). Бу ҳолат ушбу фабрикаларда қайта ишланувчи маъданларда миснинг микдори жуда юқори бўлиб, бойитиш техникаси яхши ривожланмагани билан тушунтирилиши мумкин. Жаҳондаги энг катта мис бойитиш фабрикаси АҚШ да жойлашган, ишлаб чиқариш унумдорлиги суткасига 100000 тонна маъданни қайта ишловчи Юта Коппер фабрикаси ҳисобланади. Аслида у иккита – Магна ва Артур фабрикаларидан ташкил топган Кеннекот Коппер Корпорейшн фирмасига қарашли бўлиб, иккаласи битта – Бингем кони маъданини қайта ихлайди. Фабрикалар ёнма-ён жойлашган ва бир ҳил технологик схема бўйича ишлайдишунинг учун битта фабрика деб қаралади.

Катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи мис бойитиш фабрикаси ҳам АҚШ нинг Аризона штатида жойлашган. Бу ишлаб чиқариш қуввати суткасига 50000 тоннани ташкил қилувчи Моренси фабрикасидир. Бу фабрикаларнинг барчаси каръерлардан очиқ усуlda қазиб олинувчи мис порфирли маъданларни қайта ишлайди ва мисли бойитмадан ташқари молибденли бойитма ҳам олади. Шунинг учун бу маъданлар мис-молибденли маъданлар туркумiga киради. Аризонада яна бир нечта жуда йирик мис-молибденли фабрикалар мавжуд: Сан-Мануело (30000 т/сутка), Майами (12000 т/сутка). Шунингдек, монометалл мис бойитиш фабрикалари: Нью Корнелия (28000 т/сутка), Лавинден ва Хейден (16000 т/сутка), Кеел-Доум (10250 т/сутка) ва бошқа бир қатор фабрикалар шулар жумласидандир. Шуни қайд қилиш лозимки, Хейдендан ташқари бу фабрикаларнинг барчаси мис-порфирли турдаги маъданлар қайта шлайди.

Жаҳондаги энг йирик мис бойитиш фабрикаси Чилидаги Чукикамата (45000 т/сутка) ҳисобланиб, АҚШ дан ташқаридаги юқори ишлаб чиқариш унумдорлигига эга бирдан-бир мис бойитиш фабрикаси ҳисобланади. АҚШ дан ташқари йирик мис бойитиш фабрикалари Чилидаги Андес, шимолий Родезиядаги Рои-Антилоп, Рокана ва Мексикадаги Кананеани кўрсатиш мумкин.

Шуниси қизиқки, Канадада қазиб олинаётган миснинг асосий массаси монометал маъданлардан эмас, балки мис-никелли, мис-рухли ва қўргошин-рух-мисли комплекс мисли маъданлардан олинади. Фақат кейинги йилларга келиб бу ерларда монометалл мисли маъданларни бойитувчи бир қатор йирик (Гаспе, Шибогамо, Вудгрин ва Канам) фабрикалар ишга туширилган.

Мисли маъданлардаги миснинг миқдори кенг чегарада ( 11,74 % дан Норандадаги фабрикада 61,7% гача Ранг фабрикасида) ўзгаради. Бундай тебранишлар бир қанча сабаблар билан тушунтирилади: маъдан таркибининг мураккаблиги ва турлича флатацияланиши, метал билан боғланган минерал, истеъмолчи томонидан бойитманинг сифатига қўйиладиган талаблар, иқтисодий омиллар ва ҳ.к. лар.

Агар гап турли конларнинг маъданлари ҳақида кетса, дастлабки маъдандаги миснинг миқдорини бойитмадаги металнинг миқдорини белгиловчи омилларга қошмаслик керак. Флин-флок ва Ранг фабрикаларининг маъданларидаги миснинг миқдори тегишли равища 2,0 ва 2,3%; фабрикада олинадиган бойитмадаги миснинг миқдори 6 мартағача фарқ қиласи. Иккинчи тарафдан, таркибида 0,6% мис сақловчи чиқиндини қайта ишловчи Лейк- Супермер фабрикаси 43,5% мис сақловчи бойитма берса, таркибида 4,46% мис сақловчи маъданни бойитувчи Анаканда фабрикаси фақат 25,33% мис сақловчи бойитма олади. Маъдандаги мис

сақловчи минерал бойитмадаги миснинг микдорига муҳим таъсир қилади. Агар маъдандаги мис сақловчи минерал масалан, халькопирит бўлса, бойитма 37% дан ортиқ мис сақлай олмайди. Агар мис маъданда соф ҳолда иштирок этса, бойитмадаги миснинг микдори 100% гача етиши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам, Калумет энд Гекла ва Ганг фабрикаларида маъданнинг асосий минерали сифатида соф ҳолдаги мис сақловчи маъдандан тегиШли равиша 60,0 ва 61,7% мис сақловчи бойитмалар олинади.

Агар мис борнит ва ковеллин минералларида жойлаШган бўлса, назарий жиҳатдан 60-70% ва ундан ортиқ мис сақловчи бойитма олиниШи кўзда тутилади. Бироқ сулфидли маъданларни бойитиШда 35-40% дан ортиқ мис сақловчи бойитма олиШга ҳаракат қилинади.

#### **4.2.Магна ва Артур фабрикалари (АҚШ).**

Ишлаб чиқариш қуввати суткасига 100000 тонна бўлган Магна ва Артур мис бойитиш фабрикалари АҚШ даги йирик мис бойитиш фабрикалари ҳисобланади. Маъдан халькопирит, пирит ва ва борнитдан ташкил топган. Захиралари ва қазиб олиш масштабига қараб Бингем АҚШ даги йирик кон ҳисобланади. Дастребаки маъдандаги миснинг микдори 0,92% бўлиб, у асосан халькопирит минерали таркибида учрайди. Миснинг бошқа сулфидли минераллари ковеллин, халкозин ва борнитдир. Бошқа миси бўлмаган сулфидли минераллардан фақат пирит (2,5%) ва молибденит (0,06%) иштирок этади. Маъдан майин ҳол-ҳолли, лекин 0,21 мм ўлчамгacha янчилганда мис минераллари пуч тог жинслари ва пиритдан етарли даражада яхши ажралади.

Маъдандаги минералларнинг микдори (% ҳисобида): халькопирит (0,66); халкозин (0,18); борнит (0,14); ковеллин (0,19); малахит ва азурит (0,09); пирит (2,5); молибденит (0,06); олтин (0,5 г/т) ва кумуш (6 г/т).

Янчиш шарли тегирмонларда икки босқичда амалга ширилади. Мисли флотация схемалари мис-порфирли маъданларни бойитувчи деярли барча фабрикалардаги каби жуда содда. У асосий, тозалаш ва битта назорат флотацияларидан иборат. Назорат флотациясининг бойитмаси ва тозалаш флотациясининг чиқиндиси бирлаштириллади, диаметри 2,5 м ли беста қуюлтиргичда қуюлтириллади ва асосий флотацияга қайтарилади. Фабриканинг технологик схемаси 1 -расмда келтирилган.

Флотацияга тушадиган бўтананинг зичлиги 28,5 % қаттиқ зарралар. ПХ нинг қиймати 9, у охак ёрдамида ҳосил қилиниб, 1,5 кг/т сарфда иккала тегирмонга берилади. Пиритни сўндиришни йшилаш мақсадида 0,025 кг/т тсианид берилади. Мис минералларининг тўпловчиси сифатида натрийнинг дикрезилдитиофосфати (сарфи 0,01 кг/т) қўлланилади, бу тўпловчи реагент мис минераллари билан бирга молибденнинг ҳам яхши флотацияланишига

хизмат қиласи. Кўпик ҳосил қилувчи сифатида ёғ қаторининг спиртлари (сарфи 0,025 кг/т) ва крезол (сарфи 0,025 кг/т) ишлатилади. Асосий ва назорат флатацияларининг вақти биргаликда 10 минут.

Тозалашдан кейин таркибида 31,0 % мис ва 1,8% молибден сақловчи бойитма олинади ва бунда миснинг бойитмага ажралиши 90% дан ортиқни ташкил қиласи.

Бу бойитма молибден ажратиб олинувчи мосламага тушади. Молибден ажратиб олингандан кейин мисли бойитма қуюлтирилади, намликнинг миқдори 9,65% гача филтрланади ва мис эритиШ заводларига жўнатилади. Чиқиндилардаги миснинг миқдори 0,09% ни ташкил этади .

0,75% атрофида молибденит сақловчи бойитма флатацияланади, бунда мис қўпикли маҳсулотга ўтади, молибденит эса сўндирилади. Кейин 20% молибденит сақловчи маҳсулот маҳсус тайёрлашга йўналтирилади. Чиқинди суюқ шиша ва ёнувчи ёғ билан аралштирилади, молибденит фаоллостирилади ва кейин қайрағоч ёғи ва этил ксантогенати билан флатацияланади. Қолдиқ таркибидаги олтинни ушлаб қолиш учун маҳсус тарновчалар ясалган бўлиб, улар кетма-кет жойлашган. Тарновлар қопчалар шаклида осиб қўйилган. 40 кундан сўнг қоплар ечиб олинади, қуритилади, ёқилади ва қолдиқ эритишга жўнатилади.

Флотатсион машиналар орасидаги бетон тарновчалари ҳам мисли бойитма таркибига ўтадиган олтиннинг бир қисмини ушлаб қолади. Сувнинг таркибида иштирок этадиган охак ҳисобига тарновларнинг деворида охакли пўстлоқ (парда) ҳосил бўлиб, у олтинни ушлаб қолади. Йилда бир марта пўстлоқ ажратиб олинади, унинг таркибида 15-20 кг/т олтин бўлади.

#### **4.3.Моренси фабрикаси (АҚШ).**

Моренси фабрикаси Моренси шахридан (Аризона штати) 2 км жанубий-шарқда катта йўл ёқасида жойлашган мис эритиш комбинати таркибига киради. Фабриканинг ишлаб чиқаш унумдорлиги суткада 50000 тонна. Фабрика монтсонит-порфирли ўртacha қаттиқликка эга маъданларни қайта ишлайди, улардаги асосий сулвидли минераллар халкозин ва пирит ҳисобланади. Маъданда унча катта бўлмаган миқдорда ковеллин учрайди. Микроскоп остида халкопирит ва борнит борлигини пайқаш мумкин. Маъдан, шунингдек, бироз миқдорда молибденит сақлайди.

Халкозин асосан пиритда парда ҳолида учрайди. Баъзан бу парда шунчалик қалинки, пирит худди халкозиндаги аралашмага ўхшаб қолади. Баъзан эса бу парда шунча юпқаки, уни 500 марта катталаштирилганда ҳам зўрға кўриш мумкин. Халкозиннинг бир қисми жинсларда тарқоқ ҳолда учрайди.

Оксидланиш жараёнлари натижасида маъдан миснинг турли оксидли минералларини сақлайди, лекин уларнинг миқдори унча катта эмас. Маъдандаги мис оксидларининг миқдори эски қазишларда юқори, лекин бундай маъданнинг миқдори катта эмас. Маъдандаги миснинг таҳминан 5% и асосан зўрға кўзга ташланадиган халкозиндаги оксидли парда ҳолида иштирок этади.

Кўшимча оксидланиш маъданни қазиб олишда бошланиб то майдалашга тушгунга қадар давом этади. Майдалаш мобайнида маъдан кам оксидланади. Кейинги оксидланиш харорат ортиши натижасида хўл янчашда давом этади, бунинг натижасида мис оксидларини миқдори дастлабки маъдандагига нисбатан икки марта ортиб кетади. Маъданнинг таркиби (% хисобида): мис умумий-1,15; оксидли мис-0,11; сульфидли мис-1,04; кремнезем-65,2; глинозем-17,9; темир-3,5; олтингугурт-3,07; молибденит-0,013; олтин-0,04г/т; кумуш-0,15 г/т.

Шарли тегирмонга тушувчи маъданнинг йириклиги 18 мм, лекин бўлакларнинг максимал ўлчамини хисобга олган ҳолда 13 дан 2 мм гача бўлади. Янчилган маҳсулот таҳминан 4%+0,21ли ва 62%-0,074 мм ли синфи ташкил этади. Шарли тегирмонлар барабанинг диаметри 3000 мм ва узунлиги 3150 мм. Тегирмон ичида айланувчи юк дастлабки маъданнинг оғирлигидан 400-500% ни ташкил этади.

Флатацияга тушувчи бўтана Фагергрин флатация машиналари бўйича тақсимланади. Асосий флатация учун флатация машиналари ўн иккита камерали қаторлар бўйича жойлаштирилган. Охирги саккизта камералар биринчи тўрттасига нисбатан 600 мм пастроқда жойлашган.


Қайта янчиш тегирмонларига ҳар куни 50% икки дюймли чўян шарлар ва асосий янчиш бўлимидан гидравлик тузоқларда шланган 50% қириндилар қайта кўшилади. Олинган бойитмани тозалиш оператсияларида талаб қилинадиган ишқориийликни таъминлаш учун қайта янчиш тегирмонларига оҳак кўшилади.

тўпловчи-садали аэрофлот-0,015; крезол ва нефт мойи-0,008.

Тўпловчи шарли тегирмонга 5% ли сувли эритма ҳолида берилади. 86% крезол ва 14% нефт мойи қўшиб ҳосил қилинадиган аралашма флатациянинг бошига берилади. Оҳак 10% ли эритма ҳолида кўшилади. Бойитиш натижалари қўйидаги кўрсаткичлар билан характерланади (%): бойитмадаги миснинг миқдори -27,70; темир -26,4; чиқиндидаги миснинг умумий миқдори -0,19; мис сульфиди- 0,08. Миснинг бойитмага ажralishi (%): умумий мис -84,68; сульфидли мис -93,04; темир- 28,9 ва пирит -41,3.

Моренси маъданси таркибида тахминан 0,015% молибденит сақлайди. Унинг 2/3 микдори мис минераллари билан флатацияланади ва охирги мисли бойитмага ажралади.

Молибденитни мис ва темир сульфидларидан ажратишнинг турли усуллари мавжуд, лекин уларнинг иккитасигина кенг тарқалган. АҚШ да мисли бойитма таркибидаги молибденит эрувчи крахмал билан сўндирилади. Бу оператсиянинг чиқиндиси камбағал молибденли бойитма хисобланади. Куюлтириш, филтрлаш ва паст хароратда куйдиришдан кейин сув билан аралаштирилади ва молибденни ажратиш учун қошимча тарзда яна флатацияланади. Мис минералларини флатациялаш учун тиофосфат турдаги тўпловчилар қўлланилади. Чамаси, бу турдаги тўпловчиларнинг барқарорлиги ва узоқ вақт мобайнида таъсир этиши охирги молибденитли бойитмадан мис ва темир сульфидларини ажратиш учун молибденитни сўндириб, кейин куйдириш заруриятини келтириб чиқаради.




1 – расм. Магна ва Артур фабрикаларининг технологик схемаси

Иккинчи усулда (жанубий-гарбий штатларда кенг тарқалған) ксантогенат билан ишланған бойитма узоқ вақт давомида буғ билан қиздирілади. Бундай ишланишдан кейин молибденит тұрғындағы сифатыда минерал ёғлар шлатилиб флотацияланади. Бунда мис ва темир сульфидлари флотацияланмайды.

Баён қилинган иккала усул ҳам Моренси фабрикасида қўлланилмади. Бу ерда мисни флотациялашда тұрғындағы сифатыда тиофосфат шлатилади. Бирок Моренси маъданси таркибидаги молибденит эритувчы крахмал билан сўндирилмаслиги аниқланади, шунинг учун биринчи оператсияни қўллаш мумкин эмас. Моренси фабрикаси бойитмасидаги мис ва темир сульфидларини қиздиріш орқали сўндиришга ҳам эришилмади. Қайта

ишлинувчи бойитмаларнинг ҳажми катталиги туфайли бу жараёндан воз кечишига тўғри келди.



2-расм. Моренси фабрикасининг технологик схемаси

Молибденитни флатациялашда мис ва темир сулфидларини сўндириш борасида жуда катта лаборатория тадқиқотлари олиб бориШга тўғри келди. Тажриба фабрикасидаги лабораторияда бойитмани қайта ишлаш учун олиб борилган тажрибалар ундан талабга жавоб берадиган молибденли бойитма олиш мумкинлигини кўрсатди.

Бошқа сўндирувчилардан ферроцианид ва феррицианидлар синааб кўрилди. Натрий ферроцианиди нисбатан арzon турувчи туз сифатида танланди. Бу туз бошида фақат асосий флатацияда, кейин эса тозалаш

операцияларыда ҳам қўлланилди. Бироқ оҳирги тозалаш операцияларыда мис ва темир сульфидлари етарли даражада яхши сўндирилмади. Шунинг учун ферротсианид натрий тсианидга алмаштирилди

#### **4.4.Норанда фабрикаси (Канада).**

Норанда фабрикаси Руин шахри районида, Квебек провинциясида жойлашган. Фабриканинг ишлаб чиқариш қуввати 3000 тонна/ сутка. Фабрика таркибига ишлаб чиқариш қуввати суткасига 540 тоннали тсианидлаш мосламаси киради [38 ].

Норанда кони колчеданли конлар турига киради ва вулконли жинсларнинг ривожланиш зонасида жойлашган.

Конда хаммаси бўлиб 24 та сулфидли линзалар мавжуд, уларнинг энг каттаси 45 метр кенгликка ва 390 метр узунликка эга. Йирик пирит-пирротинли жисмлар халькопирит ва пегматитдан тузилган ядрога эга. Чуқурроқда пирротин пирит билан алмашади. Ҳисоблаб чиқилган захираларда миснинг ўртача миқдори 2,14 %. Кон, Шунингдек, олтин, кумуш ва селен олиш манбаи ҳам ҳисобланади.

Маъдан қўйидаги таркибга эга: 4-8 % халькопирит, 20-35% пирит, 40-60% пирротин, 3-4 г/т олтин ва 6-10 г/т кумуш.

Фабрикада қўйидаги бойитмалар олинади: Мис эритиш заводига юбориладиган мис- олтинли ; қайта янчиш ва тсианли эритмада эритищдан кейин сулфат кислота ишлаб чиқарувчи заводга юбориладиган пиритли бойитма; шунингдек, Порт-Робинсон, Онтерио шахридаги сульфид - темир агломератсиялаш заводига юбориладиган пиритли бойитма; рафинациялашга жўнатиладиган олтин – мисли қўймалар.

Маъданни майдалаш тўрт босқичда оҳирги икки босқичда қисқа кўринишли ва барабанли майдалагичлар қўллаб амалга оширилади.

Майдаланган маҳсулот уч босқичда янчилади: биринчи босқичи очик циклда, қолган иккита босқичи ёпиқ циклда Норанда турдаги аераторлар билан. Норанда турдаги классификатор – аератор конуссимон тагликка эга цилиндрик чандан иборат бўлиб унда остки қисмидан харакатга келтирилувчи эшкакли механизм айланадиҳ юкоридан 6-10 та қувур орқали ҳаво берилади. Берилган ҳаво бўтанани жадал аралаштишга имкон беради. Аппарат бир вақтнинг ўзида ҳам аератор, ҳам классификатор вазифасини бажаради. Фабриканинг ишлаш фаолияти давомида шу нарса аниқландикси, оддий шароитда мис минералларининг флатацияси жуда секин кетади, лекин бўтанани дастлаб флатацияни яхшигина жадаллаштиради ва бу ҳолат янчиш схемасига қўшиш билан тушунтирилади.

Янчилган маҳсулот флотацияга 70% -0,074 мм йириклидада ва 43% - каттиқ зарраларни сақловчи бўтана ҳолида берилади.

Пиритли бойитма иккита шарли тегирмонларда қайта янчилади. Пиритли циклининг чиқиндиси диаметри 4500 мм ли аераторлар билан ёпиқ циклда ишловчи параллел жойлаштирилган тўрт шарли тегирмонларда қайта янчилади. Пиритли чиқиндилари классификацияланувчи, диаметри 5250 мм ли Норанда классификатори қумлари (юқорига харакатланувчи сув оқимли (гидросепаратор) аератор қумлари билан бирлаштирилиб қайта янчилади. Қайта янчиш циклининг маҳсулотлари (5250 мм ли гидросепаратор куйилмаси) 81% -0,074 мм ли ўлчамга эга бўлади.

Флатация мисли циклни, спиритли циклни ва спиритли бойитмани қайта ишлаш тциклени ўз ичига олади. Мисли флатация циклининг чиқиндилари спиритли флотация циклига тушади. Пирротинли чиқиндилар спиритли флатациядан кейин аератор билан ёпиқ циклда қайта янчилади ва олтин ҳамда миснинг ажратишга тушади. Мисли циклининг бойитмасини ва пиритли бойитмани қайта ишлаш циклининг бойитмалари ҳамда спиртли чиқиндилардан олинадиган бойитмалар бирлаштирилади ва сувсизлантиришга тушади.

Спиритли бойитмани қайта ишлаш циклининг чиқиндилари цианлашга юборилади. Пирротинли чиқиндилар олтинни ажратиб олингандан кейин чиқиндихонага жўнатилади.

Мисли флатация макинтош машиналарида олиб борилади. Мисли бойитма таркибида 10-12 % мис сақлайди ва унга маъдан таркибидаги олтиннинг 60% кўпроғи ўтади. Мисли флотация чиқиндилари таркибида 0,19% мис ва 2 г/т атрофида олтин сақлайди. Халкозин асосан пиритда парда ҳолида учрайди. Баъзан бу парда шунчалик қалинки, пирит худди халкозиндаги аралашмага ўхшаб қолади. Баъзан эса бу парда шунча юпқаки, уни 500 марта катталаштирилганда ҳам зўрға кўриш мумкин. Халкозиннинг бир қисми жинсларда тарқоқ ҳолда учрайди.

Оксидланиш жараёнлари натижасида маъдан миснинг турли оксидли минералларини сақлайди, лекин уларнинг миқдори унча катта эмас. Маъдандаги мис оксидларининг миқдори эски қазишларда юқори, лекин бундай маъданнинг миқдори катта эмас. Маъдандаги миснинг таҳминан 5% и асосан зўрға кўзга ташланадиган халькозиндаги оксидли парда ҳолида иштирок этади.

Кўшимча оксидланиш маъданни қазиб олишда бошланиб то майдалашга тушгунга қадар давом этади. Майдалаш мобайнида маъдан кам оксидланади. Кейинги оксидланиш харорат ортиши натижасида хўл янчишда давом этади, бунинг натижасида мис оксидларини миқдори дастлабки маъдандагига нисбатан икки марта ортиб кетади.

Қолган олтиннинг асосий қисми пирит билан боғланган, пирротин эса фақат 0,3 г/т олтин сақлайди. Пиритли флатация цикли асосий флатация ва иккита тозалаш операцияларидан ташкил топиб, макинтош флотация машиналарида амалга оширилади.

Пиритли флатация чиқиндилари пуч тоғ жинсларидан ва пирротиндан ташкил топади. Чиқиндиларда олтиннинг микдори хали юқорилиги учун улардан қўшимча равишда 1% мис ва 9г/т олтин сақловчи бойитмалар ажратиб олинади. Флотация Дливер флотация машиналарида олиб борилади.

Пирротинли чиқиндилар конни бостириш учун ишлатилади. Шунинг учун улар дастлаб синфларга ажратилади ва насослар ёрдамида конга юборилади.

Пиритли бойитма тозалашдан кейин цианлаш учун жуда йирик ҳисобланади, ундан ташқари миснинг микдорини камайтириш талаб қилинади. У 85% пирит, 12% спирротин, 0,4% мис ва 5,2 г/т олтин сақлайди. Уни аератор билан ёпиқ циклда ишловчи шарли тегирмонларда 0,05 мм ли ўлчамгача қайта янчилади. Бойитмага охак ва бир оз амил цантогенати қўшиб флатацияланади ва таркибида 5,5% мис ва 37 г/т атрофида олтин сақловчи ярим маҳсулот олинади. Цианлашга тушадиган маҳсулот таркибида 0,3 г/т олтин сақлайди ва унинг тахминан 50% ажралади.

Цианлаш мосламаси қайта янчилган пиритли бойитмада ишлайди. Маҳсулот кетма-кет жойлаштирилган бешта чанда 12-16 соат давомида 55% қаттиқ зарраларни сақловчи бўтанада олиб борилади. Бунда эритувчи сифатида 0,13 дан 0,17 кг/т концентрацияли цианли эритма ишлатилади ва унга 0,5-0,6 кг/т микдорда охак қўшилади.

Олтин Мерилл – Кроу мосламасида чўкмани ажратиб олиш учун қопли філтрлар қўллаб чўқтирилади. Чўкма эритилади, тикланади ва қолипларга куйилади(ойда бир марта).

Сианлаш мосламасида реагентларнинг ўртacha сарфи (кг/т пиритли бойитмага): натрий тсианиди – 0,92; охак – 5,76; рух кукуни – 0,017; аммоний сульфат – 0,045; қўргошин ацетати – 0,0065. Сианлашдан кейинги чиқинди пиритли бойитма ҳисобланади. У сув билан ювилади ва 75% қаттиқ заррали зичликда куритгичларга ҳайдалади. Пиритли бойитма таркибида 0,08% мис, 0,05% рух, 49,6% олtingугурт, 45,8% темир ва 3,19% сув сақлайди.

#### **4.5.Чукикамата фабрикаси (Чили).**

Чукикамата кони шимолий Чилининг Антофагиста провинциясида 2850 метр баландликда жойлашган. 1923 йилда корхона Анаконда – Коппер кон компаниясининг ихтиёрига ўтган ва ҳозиргача унинг таркибида фаолият юритади. Сулфидли маъданларни қайта ишлаш учун бойитиш фабрикаси

курилган, унинг ишлаб чиқиши унумдорлиги 40000 т/сутка, кейинчалик уни 60000 тоннага кўтариш кўзда тутилган. Фабрикада, шунингдек, гидрометаллургия заводининг чиқиндилари ҳам қайта ишланади.

Қайта ишланаётган маъданнинг асосий сулфидли минерали халкозин ҳисоблансада, ковеллин, энаргит ва халкопирит каби минералларни ҳам сақлайди. Миснинг оксидли минераллари асосан англезит (миснинг сувли сулфати), пуч тоғ жинсларининг минераллари квартс, серицит, пирит, дала шпати ва каолин кўринишида учрайди.

Кондан қазиб олинадиган маъдан таркибида 1,65% мис сақлайди. 7 – расмда фабриканинг технологик схемаси келтирилган.

Майдалаш уч босқичда амалга оширилади. Майдаланган маҳсулотнинг охирги ўлчами 19 мм. Фабриканинг барча бўлимларида маъданни янчиш икки босқичда амалга оширилади. Янчишнинг биринчи босқичи 3000x4250 мм ўлчами стерженли тегирмонларда очиқ циклда, иккинчи босқичи эса ўлчами 3000x3600 мм ли шарли тегирмонларда ёпиқ циклда иккита спиралли классификаторларда олиб борилади. Иккала классификатор ҳам диаметри 1350 мм ли иккита спиралга эга. Бирламчи янчишнинг йириклиги 60%-0,074 мм ли синф, бойитмани қайта янчишда эса 100% - 0,074мм га яқин. Шарли тегирмонларнинг ичидаги айланувчи юқ 400% ни ташкил этади. Қайта янчишнинг ҳар қайси сексияси 1800x3600 мм ўлчами, тўртта рейкали Дорре классификаторлари билан ёпиқ циклда ишловчи шарли тегирмондан ташкил топган.

Фабриканинг барча секцияларидаги классификаторларнинг қуйилмаси бирлаштирилади. Бирлаштирилган маҳсулот ўз-ўзидан флатация бўлимига тушади, у ерда намуна олинади ва бўтанани ажратгич ёрдамида учта оқимга бўлинади (асосий флатация учун ўрнатилган машиналарнинг сонига қараб). Пневмомеханик турдаги (Аджитер) флатация машиналари босим остида ҳаво бериш орқали ишлади.

Асосий флатация бойитмаси қуйилтирилади, қайта янчилади ва икки марта тозалаш флатацияси амалга оширилади. Фабрикада қуйидаги реагентлар ишлатилади: аэрофлот, амил ксантолгенати ва қайрағоч ёғи.

Фабрикада олинадиган бойитма таркибида минимал миқдорда темир сақлаши керак. Бу масалани ҳал этиш учун фабрикада темир сулфидларини қисман ажратишга чоралар кўрилади ва флатация жараёни мисли бойитмадаги темирнинг миқдори бўйича назорат қилинади.

Тайёр мисли бойитма таркибида 40% мис сақлайди. Бунда миснинг бойитмага ажралиши 91% ни ташкил этади.

### **Адабиётлар:**

- 1.V.P. Egorov.Obogashenie poleznykh iskoropayemykh. M.Nedra., 2007.
- 2.Spravochnik po obogashcheniyu rud. T2 Osnovnye protsessy. M.Nedra, 2003.
- 3.Umarova I.K. Foydali qazilmalarni boyitish texnologiyasi. Fan va texnologiyalar nashriyoti, 2014
- 4.Abramov A.A. Texnologiya obogasheniya rud svetnix metallov. MGGU, 2017.
- 5.<http://www.elibrarv.ru/menu/info.asp> - ilmiy elektron kutubxona,
6. <http://mggu.da.ru> - Moskva davlat konchilik universiteti,
7. <http://www.mining-iournal.com/mi/MJ/mi.htm> - Mining Journal,
8. <http://info.uibk.ac.at/c/c8/c813> - Institute of Geotechnical and Tunnel Engineering,
9. <http://www.rsl.ru> - Rossiya davlat kutubxonasi,
10. <http://www.minenet.com> - Mining companies.

## **IV. АМАЛИЙ МАШГҮЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий машғулот:Майдалаш схемасини танлаш, асослаш ва ҳисоблаш.**

**Ишдан мақсад:** Майдалаш операциялари, майдалаш босқичлари, майдалаш схемаларидағи дастлабки элаш операциялари, майдаланган маҳсулотнинг йириклик характеристикаси, майдалаш схемалардаги текширувчи элаш операциялари, майдалаш схемасини ҳисоблашни ўрганиш.

#### **Масаланинг қўйилиши:**

**Майдалаш схемасини танлаш.** Руда тайёрлаш операциялари майдалаш, элаш ва янчиш операцияларини ўз ичига олиб, рудани бойитилишга мойиллиги, ишлатилиши мумкин бўлган дастгоҳларнинг технологик хусусиятлари, ҳамда хоссалари ва таркиби жиҳатидан ўхшаш рудани қайта ишлаш тажрибалари асосида танланади. Фабрикага берилаётган маҳсулотнинг йириклиги лойиҳанинг кон қисми бўйича аниқланади, бойитишнинг биринчи операциясига келиб тушадиган маҳсулотнинг йириклиги ва бойитишнинг усули бойитилишга ўтказиладиган тадқиқотлар асосида ўрнатилади. Руданинг физик хусусиятлари: қаттиқлик, гранулометрик таркиб, намлиқ, лойнинг миқдори, майдаланувчанлик, еланувчанлик, янчилувчанлик майдалаш, элаш, янчиш усулларини ва бу операцияларни бажариш учун аппаратлар турини белгилайди. Схемани танлашга лойиҳалашнинг умумий шароитлари: районнинг иқлимий шароити, корхонанинг ишлаб чиқариш унумдорлиги, конни қазиб олиш усули, фабрикага рудани бериш усули ва бошқалар таъсир қиласи. Баъзан, майда маҳсулотни ажратиш ва бўлакли рудани алоҳида тўплашга тўғри келади.

Лойиҳаловчига текширилаётган рудага ўхшаш рудани бойитувчи фабриканинг эксплуатация кўрсаткичларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Лойиҳада текширишдан ўтган ечимларни қўллаш курилган фабрикада тузатилиши қийин бўлган хатоликларнинг олдини олади. Айрим технологик бўғимларни қайта қуриш катта харажатларни талаб қиласи ва корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ўзлаштиришга вақтни йўқотади.


Күйидаги схемаларни асослаш ва тахлил қилиш майдалаш учун жағли ва конусли майдалагичлар, янчиш учун еса барабанли тегирмонларни ишлатиш мүмкін бўлган қаттиқ ва ўртача қаттиқликдаги рудалар учун келтирилади.

### **Ишни бажариш учун намуна:**

**Майдалаш операциялари** фойдали қазилмаларни тегирмонда янчиш ёки фойдали минерал ўлчами каттароқ бўлганда тўғридан-тўғри бойитишга тайёрлаш учун ишлатилади. Майдалаш-сараплаш фабрикаларида майдалаш операциялари мустақил аҳамиятга эга.

Майдалаш схемаларига одатда дастлабки ва текширувчи элаш операциялари киритилади. Уларни елакнинг юқори маҳсулоти (елак усти) тушадиган майдалаш операцияларига киритиш қабул қилинган.

Майдалаш операциялари ўзларига тегишли элаш операциялари билан биргаликда майдалаш босқичини, майдалаш босқичларининг йиғиндиси майдалаш схемасини ташкил қиласди.




Майдалаш схемаси

Майдалаш босқичлари тўрт кўринишига эга:

- А- дастлабки элаш, майдалаш ва текширувчи элаш операциялари;
- Б – дастлабки элаш ва майдалаш операциялари;
- В – майдалаш ва текширувчи элаш операциялари;
- Г – майдалаш операциялари.

Майдалаш босқичининг А-кўринишида Аъ кўринишидаги дастлабки ва текширувчи элаш операциялари бирлаштириб берилган. Иккала вариантда ҳам майдаланган маҳсулотнинг йириклиги ва аппаратга тушадиган юк бир хил, лекин оқимларнинг ҳаракатланиши ҳар хил ( 4- расм).




### Майдалаш босқичларининг кўринишлари

Майдалаш схемалари бир, икки, уч ва ундан ортиқ майдалаш босқичларини ўз ичига олади.

Бир босқичли схемаларнинг сони майдалаш босқичлари кўринишларининг сони, яъни, тўртга teng. Икки босқичли майдалаш схемаларининг мумкин бўлган сони нисбатан кўп. Бир босқичли майдалаш схемаларининг ҳар қайси варианти майдалаш босқичлари кўринишларининг тўрттасидан исталган бирини қўшиш орқали икки босқичли майдалаш схемасига ўтказилиши мумкин. Масалан, Б кўринишдаги майдалаш схемасини А, Б, В, Г кўринишдаги исталган схема билан тўлдириб, тўртта икки босқичли BA, BB, BV, BG схема олиш мумкин.(5-расм)

Икки босқичли майдалаш схемаларининг умумий сони  $4^2 = 16$  та (AA, AB, AV, AG, BA, BB, BV, BG, VA, VB, VG, GA, GB, GV, GG).

Уч босқичли майдалаш схемаларининг сони  $4^3=64$  та. н та майдалаш босқичини ўз ичига олган майдалаш схемаларининг мумкин бўлган сони  $H_3=4^H$ .



Икки босқичли майдалаш схемаларининг вариантилари

Майдалашнинг мумкин бўлган кўп сонли схемалари ичидан рационал схемасини танлаш учун куйидаги саволларни йешиш керак: майдалаш босқичларининг сони, алоҳида майдалаш босқичларида дастлабки ва текширувчи элаш операцияларининг зарурлиги.

Майдалаш босқичларининг сони майдаланувчи маҳсулотнинг бошланғич ва охирги йириклиги билан аниқланади.

Нисбатан йирикроқ руда очиқ кон ишларида ва катта ишлаб чиқариш унумдорлигига, майдароқ маҳсулот йер ости ишларида ва коннинг кичикроқ ишлаб чиқариш унумдорлигига олинади.

Руда бўлагининг максимал ўлчами лойиҳанинг кон қисми орқали белгиланади. Руда бўлаклари ўлчамини конни ишлаб чиқариш унумдорлиги ва қазиб олиш усулига боғлиқлиги 3-жадвалда келтирилган. Янчишга келиб тушадиган маҳсулотнинг йириклиги майдалашнинг охирги босқичида ишлатиладиган майда майдаловчи конусли майдалагичнинг имкониятлари орқали аниқланади.

Хозирги вақтда янчиш бўлимига келиб тушадиган руда бўлакларининг оптималь йириклиги қўйидагича қабул қилинган:

- стйерженли тегирмонлар учун – 15-20 мм;
- шарли тегирмонлар учун – 10-15 мм.

**Руда бойитиш фабрикалари учун руданинг энг катта бўлаклари ўлчами**

№	Фабриканинг руда бўйича ишлаб чиқариш унумдорлиги, т/йил	Бўлакнинг максимал ўлчами , мм	
		Очиқ ишлар	Ер ости ишлари
1	Кичик, 500 гача	560 – 600	250 – 350
2	Ўртacha, 500-3000	700 – 1000	400 – 500
3	Катта, 3000-9000	900 – 1000	600 – 700
4	Жуда катта, >9000	1200	-

Янчишнинг бошланғич босқичида осон бўлинувчи, шунингдек, лойли ва нам рудаларни янчишда стерженли тегирмонларга тушувчи маҳсулотнинг йириклигини 20-25 мм гача ошириш мумкин.

Рудадаги ва майдаланган маҳсулотдаги энг катта бўлакнинг ўлчами берилганда умумий майдалаш даражасининг чэгараси қуидагича бўлади:

$$I = D/d$$

бу ерда:

- I - умумий майдалаш даражаси,
- D ва d- тегишли равища дастлабки рудадаги ва майдаланган маҳсулотдаги бўлакларнинг ўлчами, мм<sup>14</sup>.

Умумий майдалаш даражаси алоҳида босқичлар майдалаш даражаларининг кўпайтмасига тэнг, йирик, ўрта ва майда майдалаш майдалагичлари бир марта майдалашда қуидаги майдалаш даражаларини беради.

Йирик майдалаш майдалагичлари - 5 гача, ўртacha майдаловчи конусли майдалагичлар текширувчи элаш операциясиз ишлаганда - 6 гача, шунинг ўзи текширувчи элаш билан ёпиқ сиклда ишлаганда - 8 гача.

Майда майдаловчи конусли майдалагичлар текширувчи элаш операциясиз ишлаганда - 3-5 гача, шу майдалагичлар ёпиқ сиклда ишлаганда - 8 гача.

Энг кичик майдалаш даражаси  $S_{\min} = 12,5$  га майдалагичда битта босқичда майдаланганда еришиш мумкин эмас, шунинг учун янчишдан олдин қуруқ майдалаш босқичларининг сони иккитадан кам бўлмаслиги керак.

Энг катта майдалаш даражаси  $S_{\max} = 120$  уч босқичда майдалаш натижасида олиниши мумкин.

$$S_{\max} = 120 = 4 \cdot 5 \cdot 6$$

ёки

$$S_{\max} = 120 = 4,5 \cdot 4,5 \cdot 6$$

<sup>14</sup> Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of metallurgy. 2007, Wroclaw University of Technology 143 p.

Бундан майдалаш схемасини танлашнинг биринчи қоидаси келиб чиқади: рудани янчишга тайёрлашда майдалаш босқичларининг сони иккита ёки уттага тэнг бўлиши керак.

Жуда катта ишлаб чиқариш унумдорлигига эга (40-60 минг т/йил) фабрикалар учун фабрикага келиб тушган ўта қаттиқ рудалар (масалан, магнетитли кварцитлар)ни майдалашда бу қоидадан четга чиқиш мумкин. Бу ҳолда тўрт босқичли майдалаш схемаси ишлатилади.

### Топшириқ

<b>№</b>	<b>Майдалаш схемасини кўринишилари</b>	<b>Схемани танлаш ва асослаш</b>	<b>Q<sub>у.й.</sub>, т/йил</b>	<b>Руданинг энг катта бўлаги, D<sub>max</sub>, мм</b>	<b>Майдаланга ндан сўнг руданинг энг катта бўлаги d<sub>max</sub>, мм</b>	<b>Зичлиг и, ρ, гр/см<sup>3</sup></b>
<b>1</b>	<b>ББА</b>	<b>-/-</b>	<b>3</b>	<b>800</b>	<b>10</b>	<b>2,7</b>
<b>2</b>	<b>БВА</b>	<b>-/-</b>	<b>4</b>	<b>950</b>	<b>15</b>	<b>2,6</b>
<b>3</b>	<b>ВБА</b>	<b>-/-</b>	<b>1,5</b>	<b>100</b>	<b>20</b>	<b>3</b>
<b>4</b>	<b>ГБА</b>	<b>-/-</b>	<b>5</b>	<b>750</b>	<b>25</b>	<b>2,8</b>
<b>5</b>	<b>ГББ</b>	<b>-/-</b>	<b>6</b>	<b>700</b>	<b>15</b>	<b>2,7</b>
<b>6</b>	<b>ГАА</b>	<b>-/-</b>	<b>2,5</b>	<b>800</b>	<b>25</b>	<b>2,6</b>
<b>7</b>	<b>ГВВ</b>	<b>-/-</b>	<b>3,3</b>	<b>900</b>	<b>30</b>	<b>3</b>
<b>8</b>	<b>БАА</b>	<b>-/-</b>	<b>9</b>	<b>1200</b>	<b>10</b>	<b>2,7</b>
<b>9</b>	<b>БВА</b>	<b>-/-</b>	<b>7</b>	<b>850</b>	<b>15</b>	<b>2,6</b>
<b>10</b>	<b>ГАВ</b>	<b>-/-</b>	<b>6</b>	<b>1000</b>	<b>25</b>	<b>3</b>

### Назорат саволлари:

1. Майдалаш схемаларининг кўринишилари.
2. Майдалаш деб нимага айтилади?
3. Майдалаш неча босқичда амалга оширилади?
4. Майдалаш даражаси деб нимага айтилади?
5. Умумий майдалаш даражаси деб нимага айтилади?

### Фойдаланган адабиётлар:

1. Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of mineralogy. - Wroclaw University of Technology. 2007.
2. Umarova I.K. Boyitish fabrikalarini loyihalohs. Darslik. – T.: Moliya-iqtisod. 2015.
3. Umarova I.K., Solijanova G.Q. Foydali qazilmalarni boyitishga tayorlash jarayonlari.Uquv qo'llanma. — T.: TGTU, 2014.

## **2-амалий машғулот:**

### **Янчиш схемасини танлаш, асослаш ва ҳисоблаш**

**Ишдан мақсад:** Янчиш операциялари, янчиш босқичлари, янчиш схемаларининг кўринишлари, янчиш схемаларидаги дастлабки классификация операциялари, янчиш схемалардаги текширувчи классификация операциялари, янчиш схемасини ҳисоблаш.

### **Масаланинг қўйилиши:**

**Янчиш схемасини танлаш ва ҳисоблаш.** Янчиш маълум йириклика эга заррачалар олиш, янчилган маҳсулотнинг берилган солиширма юзасига эришиш рудали ва норуда минераллар юзасини очиш, маҳсулотни физик ва кимёвий ўзгартириш мақсадида қўлланилади.

Янчиш технологиясини фойдали қазилмани қайта ишлаш технологиясининг шартларини ҳисобга олган ҳолда танланади.

Бойитиши фабрикаларида руда ва бошқа фойдали қазилмаларни барабанли тегирмонларда янчиш бир, икки ва уч босқичли схемалар орқали амалга оширилади.

Бир босқичли янчиш схемалари унча катта бўлмаган қувватга эга (200 т/сутка гача), шунингдек, катта қувватга эга бўлган фабрикаларда нисбатан дағал (0,2 мм гача) янчишда қўлланилади.

Барабанли, шарли, стерженли ва руда-галкали тегирмонлар ёпиқ сиклда ва камдан-кам холларда очиқ ва қисман очиқ сиклларда ишлайди. Очиқ циклда янчилган маҳсулот тегирмондан фақат бир марта ўтади ва тегирмондан тайёр янчилган маҳсулот олинади.

Очиқ циклда янчиш стерженли тегирмонлар учун қуруқ ва хўл янчишда, шарли тегирмонлар учун эса фақат қуруқ янчишда ишлатилади.

Ёпиқ циклда тегирмон спиралли классификатор, гидросиклон ёки елак билан биргаликда ўрнатилади.

Икки босқичли янчиш схемалари ўртада ва катта қувватдаги бойитиши фабрикаларида рудани анча майин (0,15 мм гача) туюшда қўлланилади.

Икки босқичли янчиш схемалари маҳсулотнинг биринчи босқичдан иккинчи босқичга узатиш, яъни қуюлма ёки қум бўйича узатиш усули билан бир-биридан фарқ қиласи. Биринчи ҳолда биринчи ва иккинчи босқичдаги тегирмонлар тўлиқ ёпиқ сиклда, иккинчи ҳолда еса биринчи босқич тегирмонлар очиқ ёки қисман очиқ сиклда, биринчи босқичдагиси еса ёпиқ сиклда ишлайди. Биринчи ва иккинчи босқичдаги тегирмонлар кетма-кет ўрнатилади.

Янчишнинг ёпиқ циклда янчувчи маҳсулот тегирмондан классификаторларга тушиб, иккита маҳсулот-қуюлма ва қумга ажралади. Қуюлма бойитишига юборилса, қум еса то талаб қилинадиган катталиkkacha янчилмагунча қайта-қайта тегирмонга қайтарилади. Ёпиқ циклда тартибида қумнинг массаси доимий айланиси, у тегирмон ичида айланувчи юк деб аталади.

Тегирмонга тушадиган руданинг миқдори, ўлчами, қаттиқлиги, сувнинг берилиши, насосларнинг ва гидросиклонларнинг ишлаш тартиби ўзгарганда тегирмон ичида айланадиган юқда ўзгаришлар содир бўлади.

Тегирмон ёпиқ циклда ишлаганда тегирмоннинг руда бўйича ишлаб чиқариш унумдорлигининг ортиши билан унинг ичида айланадиган юк ортади. Унча катта бўлмаган (400 % гача) айланувчи юк тегирмоннинг ишлаб чиқариш унумдорлигини сезиларли даражада орттиради. Тегирмон ичида айланувчи юкнинг миқдорини ортиши муҳсулотнинг тегирмон ичидан ўтиш тезлигини орттиради, бу еса маҳсулотнинг ўта янчилишининг олдини олиб, тегирмоннинг ишлаб чиқариш унумдорлигини орттиради. Бу юкнинг керагидан ортиши тегирмоннинг ишлаб чиқариш унумдорлигининг пасайишига олиб келади. Шарли, рудали ва руда галкали тегирмонлар асосан ёпиқ сиклда ишлайди. Одатда тегирмонлар ичида айланувчи юк фоизларда ифодаланади:

$$C = C / K$$

Бунда:  $C$  – қумнинг оғирлиги;

$K$  – дастлабки маҳсулотнинг оғирлиги.

Тегирмонга тушадиган умумий маҳсулотнинг оғирлиги

$$K = K + C = K + CK = K(1 + C)$$

Айланувчи юк дастлабки маҳсулотнинг оғирлигига қараб 50 дан 700 % гача чэгарада ўзгариши мумкин. Тегирмоннинг дастлабки маҳсулот бўйича ишлаб чиқариш унумдорлиги орца ёки қуюлманинг майинлиги орца, айланувчи юк ортади. Хаддан ортиқ айланувчи юқда янчиш шароити ёмонлашади.

Янчиш схемаларини танлашда руданинг моддий таркиби ва физиковий хоссалари, янчишнинг талаб қилинадиган ўлчами, минераллар юзасининг очилиш даражаси, капитал ва эксплуатация харажатлари ва ҳ.к. ларни ҳисобга олиш керак. Рудани шарли янчишда унинг таркибida 15 % тайёр маҳсулот бўлганда янчишнинг биринчи босқичидан олдин дастлабки классификация ишлатилади. Тўлиқ ёпиқ сиклда текширувчи классификация янчилган маҳсулот йириклигини назорат қилиш, тегирмоннинг ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг шламланишни камайтириш учун қўлланилади. Рудали ўзини ўзи янчишда икки босқичли янчиш схемаси қўлланилади. Биринчи босқичи "Каскад" ёки "Аерофол" турдаги тегирмонларда спиралли классификатор, елак, пневматик классификатор кабилар билан ёпиқ сиклда, иккинчи босқичи еса гидросиклонлар билан ёпиқ сиклда ишловчи руда-галкали тегирмонларда амалга оширилади.


Янчиш схемасини танлаш турли хилдаги схемаларни саноат ёки ярим саноат шароитида тажриба йўли билан текшириш орқали амалга оширилади. Бунданай маълумотлар йўқ бўлса, янчиш схемаси дастлабки ва охирги маҳсулотнинг ўлчами, бойитиш фабрикасининг қуввати, қум ва қуюлмани алоҳида бойитиш кераклиги, руданинг физик хоссалари ва ҳ.к. лар асосида талланади.

Ўзини – ўзи янчишни нам, лойли рудага қўллаш абзал. Тегирмоннинг ўлчамини ва истеъмол қиласидан қувватини танлаш йириклишган синов натижалари асосида танланади. Агар тегирмонга тушаётган маҳсулот ичида йирик бўлаклар йетарли миқдорда бўлмаса, руда – галкали янчиш

күлланилиши мумкин. Бу усул ўзини-ўзи янчишдан қимматроқ, йекин шарли ва стерженли тегирмонларда янчишдан арzonроқ. Шундай қилиб, янчиш усули руданинг қаттиқлигини, моддий ва гранулометрик таркибини, текстура тузилишини ҳисобга олган ҳолда уларни техник-иқтисодий таққослаш асосида танланади.

### Ишни бажариш учун намуна

«Д» схемасини ҳисоблаш



### Бир босқичли янчиш схемаси

Ҳисоблаш учун дастлабки маълумотлар:  $Q_1 = 200 \text{ t / soat}$   $\beta_4 = 50\%$ ,  $\beta_6 = 75\%$ ,  $R_6 = 2,6$  (28% қаттиқ заррачалар);  $R_7 = 0,4$  (назорат классификацияси гидросиклонларда олиб борилади).

1.  $Q_4$  ва  $Q_7$  ларнинг қийматини аниқлаймиз. 14-жадвалдан  $\beta_4^1 = 31,5\%$  ва  $\beta_6^1 = 53\%$  лигини топамиз.

$$Q_4 = Q_1 \frac{\beta_6^1 (R_6 - R_7)}{\beta_4^1 R_6 - \beta_6^1 R_7} = 200 \frac{0,53(2,6 - 0,4)}{0,315 \cdot 2,6 - 0,53 \cdot 0,4} = 384 \text{ t/соат}$$

Бу йерда  $\beta_n$  ва  $\beta_n^1$  – н– номерли маҳсулотдаги  $-0,074$  мм ва  $-0,04$  мм ли синфларнинг микдори.

$$Q_7 = Q_4 - Q_1 = 384 - 200 = 184 \text{ m / соат}$$

2.  $Q_8$ ,  $Q_5$ ,  $Q_2$  ва  $Q_3$  ларнинг қийматини аниқлаймиз. Дастреб тегирмон ичида айланувчи юкни белгилаймиз.


“Д” схемани насос ишлатмасдан амалга ошириш мумкин эмаслигини ҳисобга олиб, тегирмон ичида айланувчи юкни 300% деб қабул қиласиз.

$$Q_8 = Q_1 \cdot C_{onm} = 200 \cdot 3 = 600 \text{ m / соат}$$

$$Q_5 = Q_8 \cdot Q_7 = 600 - 184 = 416 \text{ m / соат}$$

$$Q_2 = Q_3 = Q_8 + Q_1 = 600 + 200 = 800 \text{ m / соат}$$

### «ГА ва ГА<sup>1</sup>» схемасини ҳисоблаш



Икки босқичли янчиш схемалари

Ҳисоблаш учун маълумотлар:  $Q_1 = 200 \text{ m/coam}$ ;  $\beta_1 = 7\%$ ,  $\beta_4 = \beta_4^1 = \beta_4^{11}$ ;  $m=2$ ;  $k = 0,82$ ;  $R_4 = 2,6$ ;  $R_5 = 0,2$  (спиралли классификатор).

бу йерда: м— иккинчи босқичдаги тегирмон хажмининг биринчи босқичдаги тегирмон хажмига нисбати; к—тузатиш коэффициенти (0,80–0,85).

1.  $\beta_2$  нинг қийматини аниқлаймиз.

$$\beta_2 = \beta_1 + \frac{\beta_k - \beta_1}{1 + k \cdot m} = 0,07 + \frac{0,7 - 0,07}{1 + 0,82 \cdot 2} = 0,308 = 30,8\%$$

2.  $Q_{5^{11}}$ , ва  $Q_{4^{11}}$  ларнинг қийматини аниқлаймиз. Дастьлаб 14—жадвалдан

$\beta_2^1 = 18\%$ ,  $\beta_4^1 = 48\%$  лигини аниқлаймиз.

$$Q_{5^{11}} = \frac{Q_1 R_4 (\beta_4^1 - \beta_2^1)}{\beta_4^1 (R_4 - R_5)} = \frac{200 \cdot 2,6 (0,48 - 0,18)}{0,48 (2,6 - 0,2)} = 136 \text{ t/soat}$$

$$Q_{4^{11}} = Q_1 - Q_{5^{11}} = 200 - 136 = 64 \text{ t/soat}$$

3.  $Q_{5^{11}}$ ,  $Q_5$  ва  $Q_3$  ларнинг қийматини аниқлаймиз. Оптимал айланувчи юкни белгилаймиз.

Тегирмон ва классификатор бир-бири билан ўз оқими орқали боғланганда  $C_{onm} = 500\%$  деб қабул қиласиз.

$$Q_{5^{11}} = Q_{5^1} \cdot C_{onm} = 136 \cdot 5 = 680 \text{ m/coam}$$

$$Q_5 = Q_6 = Q_{5^1} + Q_{5^{11}} = 136 + 680 = 816 \text{ m/coam}$$

$$Q_3 = Q_1 + Q_5 = 200 + 816 = 1016 \text{ m/coam}$$

1.  $\beta_4$  нинг қийматини аниқлаймиз.

$$\beta_4 = \beta_1 + \frac{\beta_k - \beta_1}{1 + k \cdot m} = 0,05 + \frac{0,75 - 0,05}{1 + 0,821} = 0,434 = 43,4\%$$

Схемани ҳисоблаш учун дастьлабки маълумотлар:  $Q_1 = 200 \text{ m/coam}$ ;  $\beta_1 = 5\%$ ,  $\beta_7 = 75\%$ ,  $m = 1$ ;  $k = 0,82$ ,  $R_7 = 2,6$ ,  $R_8 = 0,4$  (схеманинг биринчи

босқичида механик классификатор, иккинчи босқичида гидроциклон ўрнатилган).

ВА ва ВА<sup>1</sup> схемасини ҳисоблаш.

2.  $K_5$ ,  $K_2$  ва  $K_3$  ларнинг қийматини аниқлаймиз.

Оптимал айланувчи юкни белгилаймиз  $C_{onm} = 300\%$ .

$$Q_5 = Q_1 \cdot C_{onm} = 250 \cdot 3 = 600 \text{ t / soat}$$

$$Q_2 = Q_3 = Q_1 + Q_5 = 200 + 600 = 800 \text{ t / soat}$$

3.  $Q_{8^1}$ ,  $Q_{7^{11}}$ ,  $Q_{7^1}$ ,  $Q_8$ ,  $Q_9$  ва  $Q_6$  ларнинг қийматини аниқлаймиз.

14-жадвалдан [1]  $\beta_4 = 26,5\%$  ва  $\beta_7^1 = 53\%$


$$Q_{8^1} = Q_{7^{11}} = \frac{Q_1 R_7 (\beta_7^1 - \beta_4^1)}{\beta_7^1 (R_7 - R_8)} = \frac{200 \cdot 2,6(0,53 - 0,265)}{0,53(2,6 - 0,4)} = 118 \text{ t / soat}$$

$$Q_{7^1} = Q_1 - Q_8 = 200 - 118 = 82 \text{ t / soat}$$

4.  $Q_{8^{11}}$ ,  $Q_{8^1}$ ,  $Q_9$  ва  $Q_6$  ларнинг қийматини аниқлаймиз. Тегирмон ва классификаторнинг насос орқали улангани ва майнин қуюлма олинишини ҳисобга олиб  $C_{onm} = 300\%$  деб қабул қиласиз.

$$Q_{8^{11}} = Q_{8^1} \cdot C_{II onm} = 118 \cdot 3 = 354 \text{ t / soat}$$

$$Q_8 = Q_9 = Q_{8^1} + Q_{8^{11}} = 118 + 354 = 472 \text{ t / soat}$$



Икки босқичли янчиш схемалари.

## Топширик

№	Янчиш схемасини кўринишлари	Схемани танлаш ва асослаш	Qу.й., т/йил	Дастлабки рудадаги -0,074 мм синф микдори, %	Майдаланган махсулотдаги -0,074 мм синф микдори, %	Зичлиги, р, гр/см <sup>3</sup>
1	ГА	-//-	3	15	80	2,7
2	ВА	-//-	4	12	85	2,6
3	ВА	-//-	1,5	30	75	3
4	Д	-//-	5	20	60	2,8
5	ГА	-//-	6	25	65	2,7
6	ВА	-//-	2,5	22	55	2,6
7	ВА	-//-	3,3	20	85	3
8	Д	-//-	9	15	90	2,7
9	ГА	-//-	7	12	80	2,6
10	ВА	-//-	6	30	60	3

### Назорат саволлари:

1. Янчиш деб нимага айтилади?
2. Янчиш схемаларининг кўринишлари.
3. Тегирмонларнинг турлари.
4. Шарли тегирмонларга келиб тушаётган махсулотнинг энг катта бўлаги нечага тенг?
5. Стерженли тегирмонларга келиб тушаётган махсулотнинг энг катта бўлаги нечага тенг?

### Фойдаланган адабиётлар:

1. Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of mineralogy. - Wroclaw University of Technology. 2007.
2. Umarova I.K. Boyitish fabrikalarini loyihahs. Darslik. – T.: Moliya-iqtisod. 2015.
3. Umarova I.K., Solijonova G.Q. Foydali qazilmalarni boyitishga tayorlash jarayonlari. Uquv qo‘llanma. — T.: TGTU, 2014.

### **3-амалий машғулот:Гравитация схемани танлаш, асослаш ва ҳисоблаш**

**Ишдан мақсад:** Гравитация схемаларининг кўринишлари, олтинли, кумушли, волфрамли, калайли рудаларни гравитация усулида бойитиш схемалари, уларни танлаш ва ҳисоблашни ўрганиш.

#### **Масаланинг қўйилиши:**

**Концентрацион столда бойитиш самарадорлигини ўрганиш.** Қиялик оқимда заррачаларни ҳаракатланиш турлари:

1. Оқим тубида ёки юзада олдин чўкиб қолган заррачалар устида думалаш ёки судралиш йўли билан;
2. Ҳаккалаб ҳаракатланиш: заррача маҳлум вақт судралиб ҳаракатланади, сўнgra юқорига кўтарилади ва оқим учун маҳлум масофага олиб кетиб пастга ташлайди, бу яна тақрорланади;
3. Заррача муаллақ ҳолда оқим билан ҳаракатланади.

Заррачанинг ҳаракатланиш усули оқим қалинлиги ва тезлигига, тубнинг холатига, заррачанинг шакли ва ўлчамига, бўтанадаги концентрациясига боғлиқ бўлади.

Шар шаклидаги ҳаракатланаётган заррачага қўйидаги кучлар таъсир қилади:

- a) Гравитацион кучлар (оғирлик ва Архимед кучлари):

$$P = mg \frac{\delta_e - \Delta \tilde{n}}{D\hat{e}} \quad (1.78)$$

- b) Сув оқимининг динамик босим кучи:

$$P_v = \psi \Delta d^2 (\nu_{\delta\delta} - \nu_3); \quad (1.79)$$

- v) Кўтариш кучи (оқимнинг қуюн ҳаракати туфайли ҳосил бўлади):

$$P_v = \psi_1 \Delta \nu^2 \ddot{d} \dot{d} \quad (1.80)$$

2. Ишқаланиш кучи:

$$P_T = (P \cos \alpha - P_K) f \quad (1.81)$$

Бу йерда,  $\psi$  - оқим бўйича гидродинамик қаршилик коефициенти;


$\nu_{\delta\delta}$  - д баландликдаги оқимнинг ўртача тезлиги;

$\nu_3$  - заррача ҳаракатининг тезлиги;

$\psi_1$  - оқимга перпендикуляр йүналишдаги гидродинамик қаршилик коефициенти;

$\phi$  - ишқаланиш коефициенти.

$v_B$  - вертикал тезлик



Гравитацияяды минерал заррача таъсир килувчи қучлар<sup>15</sup>

Бир режимда оқаётган оқимда қучлар бир-бирига тэнглашади:

$$mg \frac{p - \Delta}{\rho} \cdot \sin \alpha + \psi \Delta d^2 (v_{\delta\delta} - v_{\zeta})^2 = f (mg \frac{p - \Delta}{\rho} \cos \alpha - \psi_1 v_{\delta\delta}^2 d^2)$$

Заррачанинг тезлиги

$$v_3 = v_{\delta\delta} - \sqrt{\frac{mg_0}{\psi d^2 \Delta} (f \cos \alpha - \sin \alpha) - \frac{\psi_1}{\psi_2} f v_{\delta\delta}^2}. \quad (1.82)$$

$$\text{қиймати } \frac{mg_0}{\psi d^2 \Delta} = \frac{\pi d^3 \rho (\rho - \Delta) g}{6 \psi d^2 \Delta \rho} = \frac{\pi d (\rho - \Delta)}{6 \psi \Delta} = v_0^2$$

яҳни, заррача еркин тушиш тезлигининг квадратига тэнг.

Агар, аппарат қиялиги  $\alpha < 6^\circ$  бўлса, у ҳолда сина  $\approx 0$ ; сос  $\alpha \approx 1$  бўлади ва  $\psi = \psi_1 = \psi_0$  деб қабул қилсак ( $\psi_0$  - суюқликда еркин тушаётган заррачага кўрсатилаётган қаршилик коефициенти), у ҳолда

$$v_3 = v_{\delta\delta} - \sqrt{f(v_0^2 - v_{\delta\delta}^2)} \text{ бўлади.} \quad (1.83)$$

---

<sup>15</sup>Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of mineralogy. 2007, Wroclaw University of Technology 186 p.

Бу тенгламадан, агар,  $v_0 > v_{\text{вер}}$  бўлса заррча думалаб ёки сирғаниб ҳаракатланади, агар  $v_0 < v_{\text{вер}}$  бўлса заррча сув оқимида муаллақ сузуб кетиши мумкин.

Кия оқим усул билан минералларни саралашда оғир заррачалар учун  $v_0 > v_{\text{вер}}$  бўлишини таҳминлаш керак.

### **Ишни бажариш учун намуна**

#### **Топширик**

<b>№</b>	<b>Бойитувчи руданинг номи</b>	<b>Бойитиш усули</b>	<b>Q<sub>у.й.</sub>, т/ийл</b>	<b>Дастлабки рудадаги қимматбахо компонент миқдори, %</b>	<b>Бойитишдан сўнг қимматбахо компонент миқдори, %</b>	<b>Ажралиши, %</b>
<b>1</b>	Волфрамли	Чуктириш	<b>3</b>	<b>0.03</b>	<b>65</b>	<b>80</b>
<b>2</b>	Олтинли	Концентрацион стол	<b>4</b>	<b>3 г/т</b>	<b>50</b>	<b>85</b>
<b>3</b>	Қалайли	Винтли сепаратор	<b>1,5</b>	<b>0.07</b>	<b>60</b>	<b>95</b>
<b>4</b>	Молибденли	Конусли сепаратор	<b>5</b>	<b>0.003</b>	<b>75</b>	<b>80</b>
<b>5</b>	Касситеритли	шлюз	<b>6</b>	<b>0.04</b>	<b>63</b>	<b>85</b>
<b>6</b>	Волфрамли	Чуктириш	<b>2,5</b>	<b>0.005</b>	<b>60</b>	<b>75</b>
<b>7</b>	Олтинли	Концентрацион стол	<b>3,3</b>	<b>2.5 г/т</b>	<b>55</b>	<b>85</b>
<b>8</b>	Қалайли	Винтли сепаратор	<b>9</b>	<b>0.08</b>	<b>60</b>	<b>80</b>
<b>9</b>	Молибденли	Конусли сепаратор	<b>7</b>	<b>0.004</b>	<b>73</b>	<b>85</b>
<b>10</b>	Волфрам-молибденли	шлюз	<b>6</b>	<b>0.05</b>	<b>68</b>	<b>90</b>

#### **Назорат саволлари:**

1. Концентрацион столда бойитиш деб нимага айтилади?
2. Концентрацион столга келиб тушаётган маҳсулотнинг энг катта ўлчами.
3. Қандай минераллар гравитация усулида бойитилади?
4. Гравитация схемаларининг кўринишлари.

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of mineralogy. - Wroclaw University of Technology. 2007.

2. Umarova I.K. Boyitish fabrikalarini loyihalahs. Darslik. – Т.: Moliya-iqtisod. 2015.

3. Umarova I.K., Solijonova G.Q. Foydali qazilmalarni boyitishga taylorlash jarayonlari.Uquv qo'llanma. — Т.: TGTU, 2014.

#### **4-амалий машғулот: Флотация схемани танлаш, асослаш ва ҳисоблаш.**

**Ишдан мақсад:** Минерал заррачанинг магнит хоссаларини ўрганиш.

**Ишни бажариш учун қисқача назарий маълумотлар.**

Маълумки, қора металлар рангли металлар рудаларини пуч тоғ жинсларидан ажратиш учун флатация усули билан бир қаторда магнит усулида бойитиш ҳам ишлатилади. Минералларни магнит усулида бойитиш минераллар ва пуч тоғ жинсларининг магнит хоссаларидаги фарққа қараб бойитишидир.

Темир ва унинг минералларидан, айниқса, магнетит ( $\text{Fe}_3\text{O}_4$ ), пирротин ( $\text{FeS}$ ), илменит ( $\text{FeTiO}_3$ ), ва бошқалар кучли магнит хоссасига эга минераллар ҳисобланади.

Магнитли сепарация қуийдаги мақсадлар учун қўлланилиши мумкин:

1. Темир минералларини пуч тог ъ жинси сифатида четлаштириш (масалан, рух ишлаб чиқаришда 30-40% темир оксиди сақлайдиган оралиқ маҳсулот клинкер ундан қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишга халақит беради).

2. Темир минералларини қимматбаҳо компонент сифатида ажратиб олиш (масалан, табиатда баъзан нодир металлар темир минераллари билан боғланган ҳолда учрайди. Бунда магнит сепаратсияси орқали темир минераллари ажратиб олиниб, кейин магнитли концентратдан нодир металлар ажратилади).

3. Темирли концентрат олиш (масалан, яллиғ печларида эритиш, кислород-машъалли эритиш, мис саноатининг суюқ ваннада эритиш, сурма саноатининг чўқтирувчи эритиш шлаклари 50 % гача оксид ҳолидаги темирни сақлайди ва улар юқори сифатли магнитли концентрат ҳисобланishi мумкин).

Барча минераллар ўзининг магнит хусусиятига қараб, 3 гурӯхга бўлинади: диамагнит, парамагнит ва ферромагнит минераллар. Диамагнит минералларни магнит майдонига жойлаштирилса, улар магнит майдонининг кучланганлиги кам участкаларига итарилади; парамагнит минералларни магнит майдонига жойлаштирилганда улар магнит майдонининг

кучланганлиги юқори участкалариуф тортилади. Ферромагнит минераллар ҳам парамагнит минераллар гурӯхига киради, лекин уларда магнит хусусияти юқори даражада намоён бўлади.

Ундан ташқари минераллар солиштирма магнитланиш қобилиятининг қийматига қараб ҳам З гурӯхга бўлинади: кучли магнитли, кучсиз магнитли, номагнит минераллар.

Магнит усулида бойитиш турли хил тузилишга эга магнит сепараторларида олиб борилади. Улар қўйидагича таснифланади:

Електромагнит майдонининг кучланганлигига қараб: 1600 Э (ерстед) гача – кучли магнитли минералларни ажратиш учун; 1600 Э дан 4000 Э гача – ўртача магнитли рудалар учун, 4000 Э дан 12000 – 14000 Э гача – кучсиз магнитли минералларни ажратиш учун.


Муҳитнинг ҳолатига қараб: Минералларни магнит хоссасига қараб ажратиш учун сувли муҳит (хўл магнитли бойитиш) ва ҳаво (куруқ магнитли бойитиш) ли муҳит ишлатилиши мумкин.

### **Керак бўладиган маҳсулот ва дастгоҳлар.**

1 мм гача янчилган руда, тарози тошлари билан, қуритиш печи, магнитли сепаратор СЕМ- 1.

Магнитли сепаратор СЕМ-1 кучли магнитли минералларни ажратиш учун қўлланилади.

Сепаратор доимий токдан таъминланувчи электромагнит системадан иборат. Кутблар орасидаги тирқишида сув ва бойитилаётган намуна билан тўлдирилган шиша найча ўрнатилган. Кутблар орасидаги масофани ўзгартириш мумкин, ўрамлардаги ток кучи автотрансформатор ёрдамида бошқарилади. Шиша найча электромотор ёрдамида илгарилама-қайтарма ҳаракатга келтирилади. Бундай ҳаракат магнит қутблари орасида ушланиб қолган магнит минералларини номагнит минераллардан ювиб, ажратиб олишга имкон беради.



65-расм. Трубали магнит сепаратори; 1-станица; 2-шиша найча; 3-сирпанғич; 4-ғалтак; 5-магнитли тутқыч (даста); 6-қабул қилувчи идиш.

Керакли ток кучини беріб ва қутблар орасидаги масофаны үзгартириб, сепаратор магнит майдонининг кучланганлигини 0 дан 100000 Э гача үзгартириш мумкин.

Берилиши мумкин бўлган энг катта ток кучи 2а.

Вариантлар:

Руда И-майдоннинг кучланганлиги (Е) 2000, 4000, 8000

Руда ИИ-майдоннинг кучланганлиги (Е) 1600, 5000, 7000

Руда ИИИ-майдоннинг кучланганлиги (Е) 1000, 3000, 8000

### **Керакли асбоб ва маҳсулотлар**

Янчилган темир минераллардан бири.

Тарози (тошлари билан).

Воронка.

Филтрловчи қофоз.

Қуритиш печи.

Магнит сепаратори.

**Ишни бажариш тартиби:** шиша найча қутблардан юқори сатхда сув билан тўлдирилади. Қутблар орасида минимал тирқиши қолдирилади. Ток уланиб амперметр стрелкаси 1га ўрнатилади. Шиша найчага 10-15 г ўрганилаётган руда намунаси солинади. Найчанинг узатмаси ёқилади. 1 мин дан кейин тирқишли найчадан сув ўтказа бошлаймиз. Сувнинг сатхи ҳамма вақт қутблардан юқори туриш керак. Намунанинг магнит қисми

урганилаётган руда намунаси солинади. Найчанинг узатмаси ёқилади. 1 мин дан кейин тирқишли найчадан сув ўтказа бошлаймиз. Сувнинг сатхи ҳамма вақт қутблардан юқори туриш керак. Намунанинг магнит қисми

ювилиб бўлгандан кейин магнит қисми ажратиб олинади ва сув билан ювилади. Бунинг учун магнитдаги ва электромотордаги ток узилади. Найчадаги суюқлик алоҳида идишга солинади. Найча бир неча марта сув билан ювилади. Ювинди сув хам идишга солинади. Шундай қилиб, магнитли фракциянинг ҳаммаси стаканда тўпланади. Магнитли фракция устидаги сув қуиб олинади, магнитли фракция филтрланади, чўкма қуритилади, тортилади. Кейин тортиб олинган оғирлик ва дастлабки оғирлидаги фарқقا қараб намунанинг магнит қисми фоизларда ҳисобланади.

### **Олинган натижани ҳисоблаш**

Мисол: Дастлабки намунанинг оғирлиги 8 г. Тажриба натижасида 2 г магнитли маҳсулот олинди. Намунадаги магнитли маҳсулот микдори:

$$\frac{2 \cdot 100 \%}{8} = 25 \%$$

### **Назорат саволлари:**

1. Нодир металларга қайси металлар киради?
2. Ўрта асрларга келиб олтин қазиб олишнинг ўсишига асосий сабаб нима?
3. Олтин ишлаб чиқаришнинг замонавий аҳволи ҳақида сўзлаб беринг?
4. Осмий ва Иридий нимаси билан бошқа металлардан ажралиб туради?
5. Платина ва родийли қотишмалар нималарда ишлатилади?
6. Платина қаерларда қўлланилади?
7. Миснинг асосий истеъмолчилари.
8. Давлатлараро товар айирбошлишда қайси метал муомала воситасидир?

## V.КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-Кейс:Олтинли рудаларни бойитиши оптимизатсиялаш.

**Ишининг мақсади:** Бойитиши оптимизатсиялашнинг эчими.

**Масаланинг муаммоси:** Анъанавий элакларни ишлатиш билан боғлиқ муаммолар.

**Дастлабки маълумотлар:**

1. Анъанавий элакларни ишлатиш билан руда тайёрлашдаги муаммолар.
2. Ултимате Среенер турдаги элакларни ишлатишдаги самарадорлик.

**Кейс:** Хозирда жағон амалиётида олтинли рудаларни бойитишининг кўп сонли технологиялари қўлланилади, бироқ олтинни танлаб эритиши биринчи ўринда туради.

Танлаб эритиши турли режалар ва технологиялар ёрдамида амалга оширилади. Танлаб эритиши усулининг моҳияти шундан иборатки, унда мис, кумуш, олтин, уран, кобалт, рух, никил, платина, палладий ва бошқа металлар рудадан эриган ҳолга ўтказилади. Шундай конлар мавжудки, уларда олтин ва кумушнинг микдори жуда кам ва бу металларнинг атомлари пирит ва арсенопирит каби сулфидларнинг кристал панжарасида жойлашган бўлади.

Россия ва МДХ давлатларида олтин ва кумушнинг 75% дан ортийи юқоридаги турдаги сулфидли рудаларда учрайди. Бундай турдаги рудаларни бойитиши учун аввало олтин юзасининг очиш учун темир ва мишяк сулфидларини оксидлаш ва ундан кейин анъанавий усулларни, масалан, сианлашни қўллаб олтинни ажратиш керак.

Танлаб эритиши жараёнининг муваффақиятли гтказиш учун руда тайёрлаш оператсиялари муҳим аҳамиятга эга. Руда тайёрлаш жараёнининг технологик занжири қуйидаги оператсиялардан иборат: рудани қазиб олиш, майдалаш, танлаб эритиши жойига ташиш, реагентлар ёрдамида эритиши, олтинли эритмани қолдиқдан ажратиш ва олтинли ажратмадан олтинни ажратиш. Майдалаш оператсияси минерал зарра юзасини очиш мақсадида қўлланилади. Олтин минералларининг юзаси қанча тўлиқ очилса, унинг шунча кўп ажралишига эришиш мумкин. Майдалаш учун турли тузилишга эга конусли майдалагичлардан фойдаланилади.

Бир тарафдан майдалаш операцияси янчиш учун зарур бўлса, иккинчи тарафдан у катта энергия харажатларини талаб этади. Шунинг учун майдалаш оператсиялари элаш оператсиялари билан биргалиқда қўлланилади. Бу мақсадда ГИЛ ва ГИС турдаги элаклар ишлатилади.

Анъанавий вибраторион элакларни ишлатишда қуйидаги муаммоларга дуч келинади.

- елаш самарадорлигининг пастлиги;
- сим тўрлар кўзларининг беркилиб қолиши;
- ишлаш муддатининг камлиги;
- симтўрнинг беркилиб қолган кўзларини қўлда тозалаш;

УЛС™ элаклари катта частатали вибраторион элаклар ҳисобланиб, элакнинг тури бошқа вибраторион элакларга нисбатан бир неча юз-минг марта ортиқ эркин тушиш тезланишига эга.

УЛС™ элакларини қўллашнинг афзалликлари:

- елаш самарадорлигининг юқорилиги;
- ўта янчилган маҳсулотнинг бўлмаслиги;
- танлаб эритишга тушаётган маҳсулот ўлчамини кичрайтириш мумкинлиги;
- симтўр кўзларининг ёпилиб қолмаслиги.

**Топшириқ:**

1. Матн билан танишиб чиқинг.

2. Асосий муаммо ва уни келтириб чиқарган сабабларни аниқланг.

3. Муаммони бартараф этиш йўллари ҳақида мутахассис сифатида фикр-мулоҳаза билдиринг. Юқоридаги ҳолатларни олдини олиш ва бартараф этишга оид эчимни кўрсатинг.

## **2-Кейс: Флатация жараёнини оптимизатсиялаш**

**Ишининг мақсади:** Флатация жараёнида қўлланиладиган анъанавий реагентларни маҳаллий реагентларга алмаштириш.

**Масаланинг муаммоси:** Анъанавий реагентларни чет эллардан валютага сотиб олиниши билан боғлиқ муаммолар.

**Дастлабки маълумотлар:**

1. Анъанавий реагентларни ишлатишдаги муаммолар.
2. Маҳаллий реагентларни ишлатиш самарадорлиги.

**Кейс:** Флатация-минераллар юзасининг физик-кимёвий хоссаларидаги фарқа қараб бойитиш усули бўлиб минерал зарралар юзасининг сув билан ҳар хил ҳўлланишиги асосланган.Хозирда республикамиздаги З та бойитиш фабрикалари: Олмалиқ кон металлургия комбинати қошидаги мис бойитиш фабрикаси, Хандиза қўрғошин бойитиш фабрикаси, Ангрен олтиг ажратиш фабрикаларида флатация усулида бойитиш қўлланилади. Флатация жараёнини бошқариш ва тартибга келтириш мақсадида бўтанаға кимёвий моддалар киритилади. Улар флотатсион реагентлар деб аталади.

Анъанавий флотатсион реагентларнинг камчилиги:

- нархининг баландлиги;
- танқислиги;
- чет эллардан валютага келтирилиши;

Ушбу камчиликлар туфайли анъанавий реагентларни республикамиз кимёвий ва нефтни қайта ишлаш корхоналарининг чиқиндиларидан олинадиган маҳаллий реагентларга алмаштириш бу реагентларни сотиб олишга сарфланадиган ҳаражатларни қисқартиришга ва олтинли, мисли ва бошқа бойитмаларни олишнинг таннархини пасайтиришга имкон беради.

Бундан ташқари флотатсион реагентларни ишлаб чиқариш корхоналарининг чиқиндиларидан синтез қилиш ва уларни ишлаб чиқариш,

чиқиндисиз технологияни жорий қилишга ва экологик соғлом мұхит яратиши олиб келади. Шунинг учун реагентларни ўрганиш ва модификатсиялашга йўналтирилган ишлар уларга самаралироқ флатациялаш хусусиятларни бериши учун долзарб ҳисобланади.

Олмалиқ кон металлургия комбинатига қарашли Хандиза қўрғошин бойитиш фабрикасида 2 та маҳсулот- қўрғошинли ва рухли бойитмалар олинади. Қўрғошин-рухли рудалар таркибида учрайдиган мис, кумуш, висмут ва кадмий каби йўлдош компонентлар бойитиш маҳсулотларида тўпланади ва металлургик қайта ишлаш жараёнида ажратиб олинади. Бироқ мисни қўрғошинли бойитмадан ажратиб олиш қўрғошин эритиш заводларининг ишлаб чиқариш унумдорлигини пасайиши, қўрғошин ва миснинг йўқолиши, шунингдек электр энергия ва маҳсулотлар сарфининг ошиши билан кузатилади.

#### Топшириқ:

1. Кейс матни билан танишиб чиқинг.
2. Бир-бирига боғлик бўлган ва бири иккинчисини келиб чиқишига сабаб бўлган муаммоларни аниқланг ва таҳлил қилинг.
3. Муаммо эчимиға оид фикр-мулоҳазаларни беринг.

**ЭЧИМ:** Кейинги йилларда олинаётган қўрғошинли бойитмадаги миснинг миқдори ортиб бормоқда. Қўрғошинли бойитималарни мис қўшимчалардан тозалаш учун хромпикли, сулфидли ва сианидли усуслардан фойдаланилади. Бу реагентлар четдан сотиб олинади. Уларни Олмалиқ кимё заводида ишлаб чиқариладиган аммоний нитратга алмаштириш иқтисодий жихатдан самарали ҳисобланади. Флатация тажрибалари қуйидаги схема бўйича оширилади.

Аммоний нитрат галенитнинг сўндирувчиси сифатида қўлланилади. Аммоний нитрат  $\text{NH}_3\text{NO}_2$ (ТУ Уз 6-12-96) оч қулранг ёки оқ ранги гранулалар, яхши физик – кимёвий хусусиятларга эга: намланмайди, бир-бирига ёпишиб қолмайди, сақлашда музлаб қолмайди, захарли эмас, ёнин ва портлаш хавфларидан холи.

Ўрғошин – рухли бойитмаларни ажратишида қуйидаги реагентлар тайёрланди ва ишлатилди:

- 1) 10% ли аммоний нитрат эритмаси
- 2) 8% ли натрий сулфиди эритмаси
- 3) 1% ли бутил ксантогенати
- 4) 99,5 ли кўпик ҳосил қилувчи Т-92
- 5) 4 % ли натрий хлорид эритмаси ва ҳ.к.лар

Қўрғошин-рухли рудаларни флатациялаш қуйидаги омилларга боғлик:


- реагентлар сарфига;
- маҳсулотнинг йириклилигига;
- мумитнинг pH ига;
- аралаштириш тезлигига.

- 1. Кўргошин, рух ва миснинг тоза минералларининг флатацияси реагентлар сарфига, маҳсулот йириклигига, муҳитнинг пх га, аралаштириш тезлигига ва ҳ.к ларига боғлиқлиги аниқланди.

2. Кўргошин- мисли бойитмаларни қўрлошиннинг сўндирувчиси сифатида янги реагент - аммоний нитратни қўллаб ажратиш жараёни ўрганилди ва флатациянинг оптимал тартиби белгиланди: дастлабки коллектив бойитмани 15- 20 минут давомида натрий сулфиди эритмаси ( сарфи 6- 8 кг/т ) билан ювиш, кейин аммоний нитратнинг 2,5 кг/т, бутил ксантогенатнинг 30 г/т , кўпик ҳосил қилувчи Т – 80 нинг 40 г/т сарфида мисни флатациялаш.

3. Коллектив қўргошин-мисли бойитмани қўргошин минералларининг самарали сўндирувчиси сифатида арzon, маҳалли хомашё ҳисобланувчи аммоний нитрат ёрдамида ажратишнинг юқори самара берувчи технологияси ишлаб чиқилди.

4. Янги реагент - аммоний нитратни қўллаб олиб борилган тажриба натижалари асосида таркибида 22- 23 % мис сақловчии мисли бойитма олинди. Миснинг бойитмага ажралиши 85,9 %. ўтказилган тахлиллар аммоний нитратли технологияни қўллаш хромпик ва сулфитли усувларга нисбатан самаралироқ эканлигини кўрсатди.



## VI. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шархи</b>	<b>Инглиз тилидаги шархи</b>
<b>Гравитация</b>	минерал зарраларнинг зичлигидаги фарқقا асосланган бойитиш усули	<b>Gravitation</b> - a mutual attraction of two phases (for example, water and a mineral)
<b>Зарранинг зичлиги</b>	зарра массасининг хажмига бўлган нисбат	forces remaining unbalanced on an interface of two phases, are capable to draw molecules or ions of the substances dissolved in water
<b>Мухитнинг қовушқоқлиги</b>	харакатланаётган суюқлик қатламларининг ўзаро ички ишқаланиш кучи	process of formation of air vials in a pulp
<b>Фракцион тахлил</b>	бўтанадаги хар ҳил зичликка эга зарраларнинг гурухларга ажралиши	is made according to chemical analyses of initial ore and products of enrichment and to actual weight of the processed ore, mechanical losses of metal at factory here are considered
<b>Зарраларнинг эркин харакати</b>	сокин ва чэгаралangan мухитдаги харакат	the least maintenance of metal in regional tests
<b>Сокин мухит</b>	тинч турган, харакатланмаётган суюқлик	methods of mineralogical and chemical analyses are applied to research of material structure of ores
<b>Тэнг тушувчи зарралар</b>	ўлчами хар ҳил, лекин бир ҳил тезликда харакатланувчи зарралар	providing normal conducting and mutual coordination of all operations on preparation of ore for its enrichment
<b>Зарранинг сиқилиб харакатланиши</b>	заррачанинг деворлар билан ўралган мухитда, бир ўзи эмас, кўп зарралар билан бирга харакатланиши	the relation of weight of the received concentrate to weight of all ore,
<b>Гидравлик таснифлаш</b>	зарраларнинг зичликлари ва	simultaneously possess properties polar and

<b>(классификация)</b>	ўлчамларига асосланиб сувда тушиш тезликларидағи фарқ хисобига синфларга ажратиш	аполярных substances
<b>Оғир мұхитда ажратиш</b>	зичликдаги фарққа асосланиб ажратиш усули	crushing is spent at first for deformation of ore pieces, and then on formation of new surfaces
<b>Оғир мұхит</b>	органик суюқликлар, тузлар әритмаси ва суспензиялар	a delay in movement of perimeter of wetting, is caused by a surface roughness
<b>Суспензия</b>	зичлиги катта бўлган майин зарраларнинг сув билан механик аралашмси	limits of the maintenance of valuable components in enrichment products
<b>Суспензиянинг барқарорлиги</b>	оғирлаштиргач концентрациясининг доимийлик даражаси	natural running off of gravitational water through a material layer
<b>Оғирлаштиргичнинг реагенерацияси</b>	оғирлаштиргич хоссаларининг қайтадан тиклаш	process of reduction of pieces of ore
<b>Чўқтириш усули</b>	зарраларнинг зичлигидаги фарққа асосланиб вертикал тебранувчи сув оқими ёрдамида ажратиш	a soluble alloy in the water, consisting of alkali
<b>Чўқтириш машиналарининг асосий параметрлари</b>	солишишима ишлаб чиқариш қуввати, поршен ёки диафрагманинг тебранишлар частотаси ва амплитудаси, ўриндиқнинг тури, панжара ости сув сарфи	group of collectors which acid concerns technical олеиновая, олеат sodium, the sulphatic soap, the oxidised kerosene, etc.
<b>Ўриндиқ</b>	минерал зарралар ажралишини яхшилаш мақсадида панжара устига ўрнатилган бўлаклар	the magnetic field is formed in space between two opposite poles of the various form
<b>Концентрацион столда бойитиш</b>	зарраларнинг зичлиги ва ўлчамдаги фарққа	the indicator characterising quantity of

	асосланиб, қия текислик бўйлаб харакатланаётган сув оқими ёрдамида ажратиш	a valuable component taken in a concentrate, in comparison with the maintenance valuable in initial ore
<b>Концентрацион стол ишига таҳсир қилувчи омиллар</b>	планкаларнинг баландлиги, планкалар орасидаги масофа, юзанинг тебранишлар частотаси ва амплитудаси, қиялик бурчаги, сув сарфи.	is characterised by the maintenance in it of a useful component
<b>Шлюз</b>	тўғри бурчак шаклидаги қия тарновча.	is characterised by the maintenance in it of a useful component
<b>Қоплама</b>	шлюз тубига тўшалувчи трафарет ёки жуни ўсиқ мато	ammonia derivatives in which atoms of hydrogen all or are partially replaced by hydrocarbonic radicals
<b>Винтли сепаратор</b>	вертикал ўққа эга кўзгалмас винцимон бурама тарновча	division of mineral grains into classes of sizes according to speeds of their falling
<b>Флотация</b>	минерал зарра юзасининг физик-химёвий хоссаларидаги фарққа қараб ажратиш усули	decrease in a charge of particles and their aggregation into rather large units
<b>Флотацион реагентлар</b>	минерал зарраларни ҳаво пуфакчасига мустаҳкам ёпишишини таҳминловчи кимёвий моддалар	a mutual attraction of molecules of the same substance
<b>Гидрофоб зарралар</b>	юзаси сув билан хўлланмайдиган зарралар	at first in a collective concentrate all useful minerals, and then from
<b>Физикавий адсорбция (ютилиш)</b>	модда кристал панжараси юзасида малекулалараро тортишиш кучи ҳисобига ютилиш.	system of indicators in which is accepted as minimum admissible the metal maintenance in ore and metal stocks in the given deposit
<b>Кимёвий ютилиш</b>	модданинг заррача	through which particle is

	ютилиши кучи кимёвий боғ хосил бўлиши хисобига содир бўлади	discharged on the earthed electrode, substantially defines efficiency of division of minerals in the course of electric separation
<b>Тўпловчи реагентлар</b>	минерал зарралар юзасига шимилиб, уларнинг сув билан хўлланмаслигини оширувчи моддалар	serve for hashing of a pulp with reagents before flotation and increases
<b>Ксантогенатлар</b>	сулфидли минералларнинг флотациясида тўпловчи сифатида энг кўп қўлланиладиган реагент	serve for hashing of a pulp with reagents before flotation and increases
<b>Кўник хосил қилувчи реагентлар</b>	молекулалари ҳаво пуфакчаларига шимилиб, пуфакча гидрат пардасининг мустахкамлигини оширувчи кимёвий моддалар	it is characterised by presence of elastic connections of boxes with a drive and a frame, and also frame installation on shock-absorbers that allows to liquidate action of dynamic loadings on a factory building;
<b>Сўлдирувчи реагентлар</b>	бойитмага ажралиши керак бўлмаган минералларнинг флотацион қобилятини йўқ қилувчи реагентлар	consists of a box established on springing support or suspended through shock-absorbers to a basic design.
<b>Фаоллаштирувчи реагентлар</b>	табиий флотацияланиш қобиляти паст бўлган минералларнинг флотацияланиш хусусиятини оширувчи реагентлар	consists of two weights connected among themselves by springs;
<b>Мухитнинг регенераторлари</b>	флотация ўтказиладиган муҳитнинг ишқорий ёки кислотали хусусиятларини созловчи реагентлар	the central arrangement of a loading aperture in this crusher allows to change a direction of rotation of a rotor
<b>Бойитма</b>	бойитиш натижасида	are adapted for crushing

	олинадиган бой махсулот, унда қимматбахо компонентнинг микдори дастлабки рудадагига нисбатан бир неча ўн ёки юз марта ортиқ.	of clay and damp materials;
<b>Шлам</b>	майдалаш ва янчиш жараёнида ҳосил бўладиган жуда майда зарралар	the generalising parametre of mechanical properties of rocks, is characterised by power consumption of process of crushing

## VII.АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### **Махсус адабиётлар:**

1. Jan Drzymala, Mineral Processing. Foundations of theory and practice of mineralogy. 2007, Wroclaw University of Technology.
2. Umarova I.K. Boyitish fabrikalarini loyihalahs. Darslik. – Т.: Moliya-iqtisod. 2015.
3. Umarova I.K., Solijonova G.Q. Foydali qazilmalarni boyitishga taylorlash jarayonlari. Uquv qo'llanma. – Т.: TGTU, 2014.
4. Умарова И.К. Фойдалы қазилмаларни бойитиш технологияси. Фан ва технологиялар нашриёти, 2014.
5. Solijonova G.Q. Foydali qazilmalarni boyitish texnologiyasi: «Yordamchi jarayonlar». Darslik. – Т.: TDTU, 2007.

### **Интернет ресурслари:**

1. <http://forum.sbridge.ru>
2. <http://minin.1001.ru>
3. <http://www.nord-ost.net>
4. <http://stockmail.ru>
5. <http://www.sibpatent.ru>
6. <http://old.ucheba.ru>